



MILLIY TIKLANISH

6 (15) 2009 йил 11 февраль, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси


e-mail: milliyt@sarkor.uz



Ўзликни англаш — келажакка йўл очади

Мамлакат тараққиёти ва одамлар қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотишда ҳамда комил инсон тарбиясида миллий ўзликни англаш етакчи ўринда туради. Миллий ўзликнинг таянчлари эса тарих ва маънавиятдир.

→ 4-бет



Ватан туйғусига ошуфта қалблар

Фарзанд дунёга келган кундан бошлаб, унинг мурғак қалбида Ватан туйғусини уйғотиш халқимизга хос одат.

→ 5-бет



Миллий термамининг таянч ярим ҳимоячиси

Вақт ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Худди шундай футболда ҳам замонга зайлига яраша янги атамалар, янги тактика ҳамда янги усуллар пайдо бўлмоқда.

→ 8-бет

МТ

БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ	2-бет
Назария ва амалиёт уйғунлиги	
Қонун лойиҳалари муҳокамада	
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА	3-бет
Қонун моҳиятини тушунтириш	
Ўзи бўларчилиққа йўл қўйиб бўлмайди	
МАЪРИФАТ	4-бет
Барқарор ривожланиш истиқболлари	
Мирзо Улугбекнинг маънавий жасорати	
ЖАРАЁН	5-бет
Янги иш ўринлари яратилмоқда	
Йўл қондаси — умр фойдаси	
МАЪНАВИЯТ	6-бет
Навоий газали олмон тилида	
Ўзбек халқ мақоллари — миллий бойлигимиз	
Ноёб қўлланмалар	
ЎЗБЕКISTON ВА ЖАҲОН	7-бет
Узоқни кўзлаган тadbир	
Дунёдан дараклар	
МАДДАНИЯТ ВА СПОРТ	8-бет
Миокард инфаркти	
Олимпия ўйинлари олдидан	
Турфа олам	



Яқинда бир гуруҳ ёшлар ЎзМТДП сафига қабул қилинди.



ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Қонун лойиҳалари муҳокамада

Камолитдин ҲОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида куйи палата ялғи мажлиси кун тартибига киритилиши назарда

тутилаётган масалалар муҳокама қилинди. Фракция йиғилишини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Хуршид Дўстмухаммедов олиб борди.

Дастлаб депутатлар "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎзМТДП ҲАЁТИ

Назария ва амалиёт уйғунлиги

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва ЎзМТДП ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирларда ҳам ўз аксини топмоқда



Дилноза ҲАЙИТОВА, Тўмарис АЪЗАМ, "Milliy tiklanish" мухбирлари

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ташкил қилинган "Ёш сиёсий шарҳловчилар клуби"нинг якуний семинарида "Партия ОАВ фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" муҳокама қилинди. Миллий матбуот марказида икки кун давом этган ушбу ўқув семинарида "Миллий тикланиш" газетаси ижодий жамоаси, газетанинг вилоятлардаги мухбирлари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси ва партия худудий ташкилотлари етакчи мутахассислари ва ФЖУИ "Ёш сиёсий шарҳловчилар клуби"нинг битирувчилари иштирок этишди.

(Давоми 2-бетда)

МУЛОҚОТ

Икромхон ОРИПОВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси:

Мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг миқёсли иш-хотлар ҳамда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришда сиёсий партиялар зиммасида алоҳида масъулият мавжуд. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Дастурида ҳам бир қатор вазифалар белгиланган. Яқинда бўлиб ўтган партия Марказий Кенгашининг III пленумида дастурий мақсадларимизни амалга ошириш юзасидан ўтган йилги ишларимиз сарҳисоб қилиниб, бу борадаги фаолиятимиз чуқур танқидий таҳлил этилди ҳамда 2009 йилдаги иш режамиз тасдиқланди.

Барчамизга маълумки 2009 йил Президентимиз томонидан мамлакатимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинди. Партиямиз ҳам ўз иш режасида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йилида амалга оширилаётган залворли ишларда фаол иштирок этишини белгиллади. Шунингдек, қишлоқ аҳолиси, айниқса қишлоқ ёшлари ўртасида турли мавзуларда

ЎзМТДП дастурида белгиланган вазифалар ижросига барчамиз масъулмиз

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бир гуруҳ аъзолари билан партия мафкурасининг асосий йўналишлари хусусида очиқ мулоқот

сиёсий-мафқуравий, ижтимоий, маънавий ва маданий тадбирларни замонавий шакл ва таъсирчан усулларда ташкил этиш бўйича ҳозирданок фаолиятимизни бошлаб юбордик. Бунда ҳар бир минтақанинг ўзига хос характерли хусусиятлари, аънчалари ҳисобга олинди.

Мустақиллик туфайли биз ўз миллий давлатимизга, халқаро ҳамжамиятга муносиб ўрни мизга, ўз бойликларимизга эътимиз эгаллик қилиш ҳуқуқига эга бўлдик, топталган қадрият ва аънчаларимизни, дину диёнатиимизни тикладик, унутилган буюк аجدодларимиз номи ва меросини ўз ўрнига қўйдик ва энг муҳими, халқимиз онги, тафаккурини ўзгартириб, уни озод ва хур миллат, халқ сифатида ўзлигини намён қилишга беқийёс имкониятлар яратдик. Буларнинг барчасининг

замирида миллий тикланиш гоёси, мафқураси ва ҳаракати мавжуд. Миллий тикланиш гоёси бутун Ўзбекистон халқининг гоёсидир.

Барча сиёсий партиялар қатори, ЎзМТДП ҳам дастурий мақсад ва гоаларини кенг омма орасига тарғиб-ташвиқ қилиш, унга одамларни ишонтира олиш билан сиёсий жиҳатдан фаол бўлган ўз хайрихоҳ ва тарафдорларини кўпайтириш йўлидан бормоқда. Чунки, олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири ҳам — партиянинг мустақам ижтимоий қатламини шакллантиришдир. Бу учун бизнинг муқаддас мақсадимиз ва стратегиямиз бўлган — Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги умуммиллий гоёси атрофида жамиятимизни бирлаштиришга асосланган йўлни қўллаб-қувватлаб, унинг моҳиятини ҳаётий мисоллар орқали

кенг жамоатчиликка тушунтириш ва фаолиятимизда акс эттиришимиз лозим. Айни шу гоё партиямиз мафқурасининг асосини ташкил қилади, десак муболага бўлмайди. Айниқса миллий тикланиш гоёси ва мафқурасининг асосий йўналишлари тарғиботини кучайтириш, бу борада партия фаоллари ўртасида турли мавзуларда ўқув-семинарлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалада бошланғич партия ташкилотлари муҳим роль ўйнашини ҳисобга олиб, ҳозир БПТлар фаолиятини тубдан кучайтиришга бутун эътиборимизни қаратганмиз. Партия иши учун жонқуяр, сиёсий-маънавий тайёргарлик даражаси юқори, эл-юрт ўртасида обрў қозонган, ташаббускор шахсларни БПТга етакчи қилиб сайлаш ўта муҳимдир.

Партия мафқураси ва маънавий-маърифий соҳадаги ва-

зифалари ҳақида гап кетганда, ЎзМТДП жамиятимизнинг маънавий, маърифий ва ахлоқий асосини миллий истиқлол гоёси ва мафқураси ташкил этиши концепцияси ва амалиётини тўла қўллаб-қувватлайди. Бундан одамлар қалбида ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғусини шакллантириш ва янада кучайтириш биз учун асосий ўринда туради.

Ойниса ОЧИЛОВА, ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси: - Партиямиз фаолияти ва ҳаётида мафқуравий масалалар асосий ўринда туради. ЎзМТДП Дастурида белгиланганидек, мафқурамизнинг асосий хусусияти — бу аънчалар, қадриятлар ва замонавий тараққиётнинг бирдамлиги тамойилидир. Чунки, халқимизнинг бой ва бетакрор миллий қадриятларини, ўтмиш меросини асраб-авайлаш билан бир қаторда, глобаллашув жараёни кучайган ҳозирги пайтда халқимизнинг ўзига хошлигини сақлаб қолиш, замонавий тараққиёт билан баравар қадам ташлаш, мамлакатимизни ривожланган давлатлар сафидан муносиб жой эгаллашига кўмаклашиш асосий вазифаларимиздир.

(Давоми 3-бетда)

Дарёларни "тартибга солувчилар" ўйлаб кўришлари керак

ёки трансчегаравий дарёларда хавфли гидроэнергетик лойиҳаларнинг амалга оширилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин

Икки буюк дарё — Амурдарё ва Сирдарё асрлар давомида Марказий Осиё халқларини ҳаётбахш неъмат — сув билан таъминлаб келмоқда. Бугунги кунда қатор давлатлар чегараларини кесиб ўтганлиги туфайли уларни трансчегаравий дарёлар деб аташади. Аммо бу билан мазкур заминда яшаётган, ана шу дарёлар суви туфайли деҳқончилик қилиб келаятган одамлар учун уларнинг аҳамияти ўзгармай қолаверади.

Трансчегаравий дарёлардан адолатли ва оқилона фойдаланиш муаммоси минтақанинг трансчегаравий дарёларида янги гидроэнергетик иншоотлар қуриш бўйича лойиҳаларнинг юзага келиши туфайли янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Собиқ иттифоқ даврида минтақадаги сув ресурсларини тартибга солиш марказлашган тартибда амалга оши-

рилган бўлса, энди бу масала яқиндагина мустақилликка эришган айрим давлатлар раҳбарлари ихтиёрига ўтмоқда. Амалда бу шунга олиб келмоқдаки, халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид равишда улар суви туфайли янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

ҳисобга олган ҳолда фойдаланмоқдалар.

(Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

ЎЗМТДП ҲАЁТИ

Назария ва амалиёт уйғунлиги

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва ЎЗМТДП ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирларда ҳам ўз аксини топмоқда



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтказилган ушбу ўқув-семинари партия маҳаллий кенгашлари фаоллари ва партия нашри журналистларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, мафқуравий, маънавий-маърифий соҳаларда фаолият олиб боришларида назарий ва амалий билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Семинарни бошқарган ЎЗМТДП МК Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев дастлаб тадбирни очар экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар, демократик ўзгаришлар ва янгиликларда, жумладан, партия ҳаёти ва фаолиятида ОАВнинг ўрни ва роли ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, у семинар кун тартибига иштирокчилар эътиборини қаратиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, ФЖҰИ экспертлари, таниқли олимлар, ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар ва журналистика соҳаси мутахассисларининг турли мавзуларда маърузалари ва тақдиротлари билан иштирок этишларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Семинар кун тартибидан жой олган "Ўзбекистон кўппартиявий тизимида "Миллий тикланиш" демократик партиясининг роли ва ўрни" мавзусида ЎЗМТДП МК Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Ж.Сафоев маъруза қилди. Маърузачи ўз сўзида истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида барча соҳаларда босқичма-босқич ва изчил ислохотлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, демократик жараёнларни янада кучайтириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Хусусан, истиқлол йилларида Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими шаклланди. Бугунги кунда мамлакатимизда тўртта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Барча партиялар Олий

Мажлис Қонунчилик палатасида ўз фракцияларига эга ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларда партия депутатлик гуруҳларини тузишган. Янгиликлардан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам жамиятимиз ҳаётидан мустаҳкам жой эгаллаш учун ўз дастурий мақсадларини кенг оммага етказиш, партиянинг ижтимоий қатлами сони ва сифатини ошириш, ўз хайрихоҳларини кўпайтириш, марказда ва жойларда қабул қилинаётган қарорларда партия нуктаи назарини акс эттириш ҳамда жамоатчилик назоратини олиб бориш юзасидан ўз фаолиятини тубдан ўзгартаришга интиломоқда. Парламентнинг қўйи палатасида 29 нафар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида 700 нафардан зиёд депутатлар корпусига эга бўлган ЎЗМТДП-зиммасида жуда улкан масъулият бор. Бундан ташқари миллий қадриятларни ва аъёнларини, улкан тарихий меросини ва маданиятимизни асраб-

дида нотик.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари Акрам Жумаевнинг «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақдимотидаги ўзгаришларни муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўғрисидаги маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Қонунчилик палатаси томонидан қонунларни тақдимлаштириш, янги қонунлар қабул қилиш жараёни ҳақида янада тўлиқроқ маълумотларга эга бўлдилар.

"Миллий ғоя ва мафқура" республика илмий-амалий маркази раҳбари Мухаммадхон Куроновнинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият-енгилмас кун" асарининг методологик аҳамияти" мавзусидаги маърузасида маънавиятнинг маъно-мазмунини, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқ-

депутатлик гуруҳлари, кишлоқ ҳаёти сифати ва маданиятини ошириш муаммолари" мавзусидаги, ЎЗДЖТУ кафедра мудири Файзулла Мўминовнинг "Жамоатчи мухбирлар тармоғини яратиш: тажриба ва истиқболлари" мавзусидаги маърузалари тингловчилар билимларини бойитиб, уларда янги кўникма ва тушунчалар пайдо қилди. Ёритилаётган мавзунинг чуқур билиш ва таҳлил қилиш, ўқувчиларни фикрлашга, муҳокама этишга чорлайдиган материаллар ёзиш, яъни жамоатчилик фикрини фаол шакллантира оладиган журналистик касб маҳорати эга бўлиш борасидаги тавсиялар семинарда иштирок этган ёшлар учун малака мактаби бўлди десак муболаға бўлмайди.

Ўзининг назарий жиҳатлари билан бир қаторда, семинар амалий тажрибаларга ҳам бой бўлди. ЎЗАОАВ Миллий ассоциацияси ва Адлия вазирлиги Матбуот марказларига ташриф эса, ўзаро фикрлар, иш тажрибалар алмашинуви, ижодий мулоқотлар ва ҳамкорлик режаларини мустаҳкамлади.

Дарвоқе, юқорида биз семинарнинг икки кун давом этганлигини таъкидлаган эдик. Ҳўш, бу икки кунлик ўқув-семинар иштирокчилар учун қай даражада аҳамият касб этди? Бу ҳақда тингловчилар таассуротлари билан танишдик:

Отабек Қўшоқов, ЎЗМТДП МК Мафқуравий ишлар бўлими етакчи мутахассиси:

Ушбу ўқув семинарнинг айнан мен учун самарали жиҳатларини сиёсий партиялар матбуот хизматларини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги маъруза мисолида ҳам айтишим мумкин. Инда фаолиятим учун жуда керак ва айни пайтда бажаришимиз мумкин бўлган тавсияларни олдим. Матбуот хизмати ОАВ учун ахборот манбаи бўлиши билан бир қаторда, сиёсий партия, ҳар бир ташкилотнинг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамловчи кўприк ҳамдир. Бу йўналишда биз келгусида нима ишлар қилишимиз кераклигини ўзим учун белгилаб олдим. Масалан, чекка-чекка ҳудудларда ҳам матбуот анжуманлари ташкил этиш йўлга қўйилмаган эди. Айнан ўша жойларда ҳам матбуот анжуманлари ўтказиб, хайрихоҳларимиз сафининг кенгайишига, Дастурий ғоя ва мақсадларимизнинг тарғиботини янада кучайтиришга эришиш мумкин экан.

Мансур Юнус, ЎЗМТДП Собир Раҳимов туман кенгаши раиси:

"Ёш сиёсий шарҳловчилар клуби" семинар-тренингининг ташкил қилиниши фаолиятимиз учун зарур эди. Сиёсий шарҳ — у хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки бўлсин журналистдан чуқур сиёсий билим, касбий малака, салоҳият, ҳолисона ёндашуви талаб этади. Ушбу семинарда айниқса, партияимизнинг матбуот органи "Миллий тикланиш" газетасининг ижодий ходимлари, вилоятдаги мухбирларининг иштирок этиши нашримизнинг кейинги фаолиятида, партия дастурий мақсадларини кенг ёритишда ўз самарасини бериши шубҳасиз. Бу каби ўқув-семинарлар тез-тез ўтказилиб турилса ва бу партияимиз нашри долзарб мавзудаги таҳлилий мақолалар билан янада

бойитишга хизмат қилса, ўйлаيمانки обуначиларимиз ҳамда хайрихоҳларимиз сафи янада кенгайди.

Фарҳод АТАХАНОВ, ЎЗМТДП Андижон вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:

Худудий партия ташкилотлари фаоллари ҳамда "Миллий тикланиш" газетаси мухбирлари иштирокида икки кун давомид бўлиб ўтган ўқув-семинар партия электоратини кенгайтириш масаласида жойларда ташкиллаштирилган тадбирларни ОАВда ёритиш, партия матбуот хизмати фаолиятини янада тақомиллаштириш ва газетанда ёритилаётган мақолаларнинг савиясини оширишга қаратилди. Семинарда турли мавзулардаги маърузаларни тингладик. Уларда асосан долзарб масалалар кўтарилди. "Партия ичидаги мунозара: муомала маданияти ва нотиклик" мавзусидаги маърузадан тадбирларда мунозара, бахсларнинг олиб боришда асосан нима-ларга эътибор қаратишни ўргандик. Партия Дастури ва фаолиятини ёшларимиз орасида тарғиб қилишда аввало нотиклик санъати талаб қилинади. Яна шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, бугунги тезкор ахборот асрида тарғибот-ташвиқот ишларини янада самарали олиб боришимиз зарур. Жойларда партия мақсад ва вазифалари доирасида ўтказилаётган, партия фаоллари қизиқишлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган тадбирлар ҳар доим ҳам партия тарғиботи ҳисобланади ва бундай тадбирларни ташкиллаштириш ва ёритиш ҳар бир етакчи ва фаолларимизнинг вазифасидир.

Нафиса АДИЛОВА, ЎЗМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси етакчи мутахассиси:

Семинар-тренингдаги маърузалар ва баҳс-мунозаралардан шунинг англадимки, вилоят партия ташкилотлари фақатгина депутатларимиз ва қўйи бўғинлар билан ишлабгина қолмай, ўзимиз олиб бораётган ва фаолларимизнинг амалий фаолиятига оммани жалб этиш учун партияимиз наشري билан алоқани мустаҳкамлаш зарур экан. Биз кўп ҳолларда ўтказган тадбирларимизни газетага кечиктириб берамиз ёки бунинг аҳамиятига унчалик эътибор бермаймиз. Бу эса фаолиятимизнинг сулласишига, ахборотнинг эса эскиришига сабаб бўлади. Семинардан олган кўникмаларимдан сўнб, бу масалалар партия фаолиятида мумкин эканлигини тушундим. Шунингдек маърузалар орқали сиёсий партиялар матбуот хизмати фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларидан хабардор бўлдик. Анжуман якунида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги матбуот марказига бориб, жуда бой таассуротларга эга бўлдик.

...Шу ўринда ФЖҰИнинг "Ёш сиёсий шарҳловчилар клуби" ҳақида икки оғиз сўз. Мазкур клуб 2008 йил февраль ойида ташкил қилинган бўлиб, ЎЗМТДПнинг 14 нафар аъзоси бир йил давомид клубнинг ойлик машғулотида иштирок этиши ва мутахассислар ёрдамида сиёсий шарҳ ёзиш, жараёнларни сиёсий шарҳлаш маҳоратини ўрганиши. Бу тажрибани жамоасидаги ёш журналистлар, партия сафидаги ёш етакчиларнинг келгуси сиёсий фаолиятида ўзининг ижобий аксини топиши шубҳасиз.

Дарёларни "тартибга солувчилар" ўйлаб кўришлари керак

ёки трансчегаравий дарёларда хавфли гидроэнергетик лойиҳаларнинг амалга оширилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин

(Давоми. Боши 1-бетда)

Трансчегаравий дарёларда гидроэнергетик лойиҳаларни амалга оширилишининг сармоявий жозибдорлиги ҳақида сўз юритар экан, уларнинг муаллифлари бу иш экология ва табиатдан фойдаланиш соҳаларида инқирозга олиб келиши мумкинлигига аҳамият бермасликка интиломоқда. Холбуки, бу ўринда гап ушбу ўлкада яшаётган ўн миллионлаб кишилар тақдири ҳақида бормоқда.

Боз устига, минтақа аҳолиси ҳамон Орол денгизи қуриши билан боғлиқ улкан экологик инқироз оқибатларидан азият чеқмоқда. Унинг таъсири хатто ушбу кенг қўламли минтақа генофондида ҳам қуришга олиб келиши мумкин. Фақат бунинг учун гидроэнергетик иншоотлар лойиҳалари батафсил халқроқ экспертизадан ўтган бўлиши, бу ишга малакали мутахассис суевсолар, эколог олимлар ва сейсмологлар жалб этилган бўлиши керак. Бунда улар томонидан иккита мумкин жиҳат ўз тасдиғини топиши шарт.

Биринчидан, Сирдарё оқими ҳажми ва режими ўзгаришиз қолади ва чегарадош давлатлар сўғориш учун сувни вегетация даврида ва керакли ҳажмда олиш имконига эга бўлади;

Иккинчидан, янги лойиҳалар минтақадаги экологик вазиятнинг оғирлашишига олиб келиши мумкин. Марказий Осиёнинг муаммосигина эмас, умумбашарий муаммо эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Орол мисоли табиатга нисбатан ўзвонларча муносабатда бўлиш оқибатини ифода қилган экан, айни пайтда бугун сув ресурсларидан фойдаланишга оид мураккаб муаммоларга чуқур мулоҳаза юритмай, юзаси ёндашиш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Минтақадаги экологик мунозанадан омонат эканлиги ҳақида ўйлаб қуриш керак. Ва ниҳоят, бу ерлар сейсмик хавф юқори бўлган ҳудуд эканлигини, тез-тез вайронагарчиликларга олиб келувчи зилзилалар содир бўлиб туришини унутмаслик зарур. Агар қучли зилзилалар қайтарилиб, тўғон вайрон бўлса, унинг оқибатида одамлар ҳалок бўлиб, ерларни сув босса, бунинг учун ким жавоб беради?!

Ушбу омилларни эътиборга олар эканми, сувни яна тартибга солишнинг нима кераги бор, деган савол туғилади. Зеро, экспертлар, мавжуд гидроэнергетик иншоотларнинг кам самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда минтақадаги трансчегаравий сув оқимларини янада тартибга солиш мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига олмоқда. Айни пайтда мутахассисларнинг чуқур ва ҳар томонлама ўтказган экспертиза натижаларисиз бу ишга қўли уриб бўлмайди.

Дарҳақиқат, Сирдарёга қўйилаётган асосий дарё — Норин дарёсидан 12-13 млрд. куб сув келиб қўшилади. Айни пайтда Токтагуль сув омборига 19,5 млрд. куб сув сифатида, яъни, уни тўлдирish учун бир йиллик қўшилидиган сув етмайди. Демак, тўртта давлат ҳудудидан кесиб ўтувчи Сирдарё энди йўқ, балки битта мамлакат қўлидаги Токтагуль сув омборигина бор, дейиш мумкин. Энди қуйи оқимга қачон ва қанча сув кетиши фақат унга боғлиқ бўлиб қолади.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозғистонга оқим киши фаслида ортиқча сув туфайли қишлоқларни, дала ва яйловларни сел босиши учун эмас, ерларни сўғориш учун вегетация даврида зарурлиги билан бу давлатнинг мутлақо иши йўқ. Дарёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатлар бундан ҳар йили миллионлаб зарар кўрмоқда.

Қўшимча даромад илнжи Қирғизистонни сув оқимларини фақат ички истеъмол мақсадлари учун эмас, балки экспорт мақсадлари учун энергетик режимга ўтказишга ундамоқда. Бугун 2008 йилда Токтагуль сув омборида сувни "ноль" даражага туширишдан ким фойда кўрганлиги тўғрисида камдан кам одам ўйлайди. Натижа шу бўлдики,

бугун шу мамлакатнинг ўзига электр қуввати етишмайди. Энди эса бунинг дастак қилиб олган айрим кимсалар янги гидролоийҳалар ташаббусини илгари сурмоқда. Энди Қирғизистонда Камбартин ГЭС лар каскадини қуриш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон сув ресурсларидан оқилана ва самарали фойдаланиш тарафдори. Айни пайтда у янги гидроэнергетик иншоотлари қурилишида иштирок этиши ҳам мумкин. Фақат бунинг учун гидроэнергетик иншоотлар лойиҳалари батафсил халқроқ экспертизадан ўтган бўлиши, бу ишга малакали мутахассис суевсолар, эколог олимлар ва сейсмологлар жалб этилган бўлиши керак. Бунда улар томонидан иккита мумкин жиҳат ўз тасдиғини топиши шарт.

Биринчидан, Сирдарё оқими ҳажми ва режими ўзгаришиз қолади ва чегарадош давлатлар сўғориш учун сувни вегетация даврида ва керакли ҳажмда олиш имконига эга бўлади;

Иккинчидан, янги лойиҳалар минтақадаги экологик вазиятнинг оғирлашишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистоннинг нуктаи назари аниқ — трансчегаравий дарёлар ҳавзаларидаги ҳар қандай кенг қўламли қурилиш сув ресурсларидан фойдаланишга оид мураккаб муаммоларга чуқур мулоҳаза юритмай, юзаси ёндашиш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Минтақадаги экологик мунозанадан омонат эканлиги ҳақида ўйлаб қуриш керак. Ва ниҳоят, бу ерлар сейсмик хавф юқори бўлган ҳудуд эканлигини, тез-тез вайронагарчиликларга олиб келувчи зилзилалар содир бўлиб туришини унутмаслик зарур. Агар қучли зилзилалар қайтарилиб, тўғон вайрон бўлса, унинг оқибатида одамлар ҳалок бўлиб, ерларни сув босса, бунинг учун ким жавоб беради?!

Ушбу омилларни эътиборга олар эканми, сувни яна тартибга солишнинг нима кераги бор, деган савол туғилади. Зеро, экспертлар, мавжуд гидроэнергетик иншоотларнинг кам самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда минтақадаги трансчегаравий сув оқимларини янада тартибга солиш мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига олмоқда. Айни пайтда мутахассисларнинг чуқур ва ҳар томонлама ўтказган экспертиза натижаларисиз бу ишга қўли уриб бўлмайди.

Дарҳақиқат, Сирдарёга қўйилаётган асосий дарё — Норин дарёсидан 12-13 млрд. куб сув келиб қўшилади. Айни пайтда Токтагуль сув омборига 19,5 млрд. куб сув сифатида, яъни, уни тўлдирish учун бир йиллик қўшилидиган сув етмайди. Демак, тўртта давлат ҳудудидан кесиб ўтувчи Сирдарё энди йўқ, балки битта мамлакат қўлидаги Токтагуль сув омборигина бор, дейиш мумкин. Энди қуйи оқимга қачон ва қанча сув кетиши фақат унга боғлиқ бўлиб қолади.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозғистонга оқим киши фаслида ортиқча сув туфайли қишлоқларни, дала ва яйловларни сел босиши учун эмас, ерларни сўғориш учун вегетация даврида зарурлиги билан бу давлатнинг мутлақо иши йўқ. Дарёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатлар бундан ҳар йили миллионлаб зарар кўрмоқда.

Қўшимча даромад илнжи Қирғизистонни сув оқимларини фақат ички истеъмол мақсадлари учун эмас, балки экспорт мақсадлари учун энергетик режимга ўтказишга ундамоқда. Бугун 2008 йилда Токтагуль сув омборида сувни "ноль" даражага туширишдан ким фойда кўрганлиги тўғрисида камдан кам одам ўйлайди. Натижа шу бўлдики,

бўлсақ, айнан Қозғистон Камбартин ГЭСлари каскади қурилиш бўйича лойиҳаларни тайкуриб қилишга фаол иштирок этаётганлиги ажабланарлиқ ҳол.

Назаримизда, Қозғистон жамоатчилиги арзон электр энергия туфайли фойда қўриш илнжидан бўлган ҳамда бу каби "инвестициявий фаоллик" ўз юрти учун қандай ҳалокатли оқибатларга олиб келишини мутлақо ўйламаётганини мутлақо "тарафдорлари" хатти-ҳаракатлари мамлакат учун қандай оқибатларни келтириб чиқариши ҳақида мулоҳаза юритишлари керак.

Ва ниҳоят, Орол муаммосига қайтадиган бўлсақ, шунинг унутмаслик керакки, бу каби лойиҳалар минтақадаги вазиятни янада оғирлаштириши, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш умидини пунга чиқаради, ва шу билан бирга трансчегаравий дарёлар хавзасида яшаётган кишилар ҳаётига таҳдид солади.

Шуни қўшимча қилиш мумкинки, кўтарилаётган масала бир-икки йилга таъсир кўрсатиб қолмайди, балки Марказий Осиё минтақасининг келажагини, асрлар давомидаги ҳаётини белгилаб беради.

Сергей АБДУЛЛАЕВ, «centra.zia.ru» 8.02.2009

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Қонун лойиҳалари муҳокамада

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналари ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш механизми 1996 йил 5 апрелда қўйилган "Эркин-иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилмоқда. Лойиҳада амалдаги мазкур Қонуннинг айрим қоидаларига Президент Фармони талабларидан келиб чиқиб, тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилиши кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда шунингдек, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) 2008 йилги фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 60 йиллигига бағиш-

ланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони мамлакатда демократик институтларни ривожлантиришга асос бўлди. Мазкур Фармон мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган эътиборнинг амалий тасдиғи бўлиб, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар ишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтирди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий шароитларни яратди.

2008 йилда инсон ҳуқуқларининг категориялари бўйича шикоятлар сони анча камайганига қарамадсан, Омбудсман номига келиб тушган мурожаатларнинг умумий сони кўпайган. Вакилга келиб тушаётган мурожаатлар сонининг ўсишини ушбу институт аҳолининг

барча қатламлари учун очiq эканлиги, фуқаролар дуч келаётган объектив қийинчиликлар ва уларнинг ўз ҳуқуқларини англаш ва ҳимоя қилишга бўлган интилишлари билан изоҳлаш мумкин.

Ҳисобот даврида Омбудсманга келган 264 та шикоят бўйича мурожаат қилувчиларга уларнинг бўзилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий воситаларидан фойдаланиш шакллари ва усуллари тўғрисида маълумотлар берилди, шу билан бирга 776 та мурожаатга "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ келмаслиги сабабли асослангилар рад жавоби берилган.

Шунингдек, фракция аъзолари "Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инсонпарварлик

ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш Департаментини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорининг 4-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги, шу жумладан, номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олиш вазифаси юклатилган. Амалдаги "Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида"ги Қонунда юқоридаги масалалар тўлалигича ўз ифодасини топамадглиги бос мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг 2009 йилга мўлжалланган иш режаси лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

Йиғилиш сўнгида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

МАЪРИФАТ

Ўзликни англаш — келажакка йўл очади

тарих ва маънавият уйғунлиги

ЖАРАЁН

Жалолиддин САФОЕВ

Мамлакат тараққиёти ва одамлар қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотишда ҳамда комил инсон тарбиясида миллий ўзликни англаш етакчи ўринда туради. Миллий ўзликнинг таянчлари эса тарих ва маънавиятдир. Халқни халқ, миллатни миллат сифатида ўзликни сақлаб қолиш, уни раванқ топиб, инсоният даврасидан муносиб жой эгаллашда улғувор тарихимиз ва маънавиятимиз беқиёс аҳамият касб этади. Ўз мустақил миллий давлати, сиёсати, иқтисодиёти, маданияти ва маънавиятига эга халқгина миллий тикланишга юз тутаяди. Аслида, бу тушунчалар бир-бири билан гоятда мустаҳкам боғлиқликка эга. Чунки, ўзликни англаш ва миллий тикланиш орқали мустақил, миллий сиёсат ва иқтисодиётга, маданият ва маърифатга эга бўламиз.


Дунё харитасида янги ўзбек давлатининг пайдо бўлиши улкан тарихий-сиёсий воқеа бўлиш билан бир қаторда, тамоман янги давлатчилик тизим ва тузуқларини яратиш борасида дадил қадам, сиёсий тажриба мактаби бўлди, деб бемалол айтишимиз мумкин. Бу борада амалга оширилган ва оширилаётган кенг кўламли ислохотлар динамикасига назар ташлаб, унинг мақсади ва руҳида инсон бахти ва соадати, келажак авлодлар тақдирига жавобгарлик ҳисси мужассам эканлигини кўраемиз. Энг муҳими, истиқлол йилларида Ўзбекистон юксак маънавиятли мамлакат сифатида дунёга танилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ўзининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарини «...Халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улғу туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки, халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади. Шу маънода, 1991 йил 31 август санаида қўлга киритилган миллий мустақиллик — XX асрда халқимиз томони-

дан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз» деб, истиқлолга эришган кунимизни асрнинг энг буюк маънавий жасорати сифатида таърифлайдилар. Мамлакатимиз ҳаётида жуда улкан сиёсий воқеа бўлган мустақиллик моҳиятида буюк маънавий жасоратни кўриш халқимиз руҳини кўтариб, қалбида юртда бўлаётган беқиёс ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини янада кучайтиради. Иккинчи томондан эса, бундай тамоман янги-ча қараш олимлар ва ижодкорлар учун кўплаб янги мавзуларга туртки беради.

Ватанимизнинг буюк ва шонли ўтмиши, бой маънавий-маданий меросимиз, улғу аждодларимизнинг илм-фан соҳасида дунё тан олган улғувор кашфиётлари, халқимизнинг азалий ва бетакрор анъаналари миллиятимиз дунёнинг илғор халқлари қаторидаги муносиб ўрнини таъминлади. Бундай узоқ тарихга ва улкан маданий меросга эга халқлар бармоқ билан санарлидир. Биз ҳақли равишда «Ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз».

Ватанимизнинг миллий тикланиши мустақилликни қўлга киритишимиз билан бошланган бўлса, унинг ҳуқуқий пойдевори чуккур миллий руҳ билан сурорилган ва миллий ман-



фаатларимиз етакчи ўринга кўйилган Конституцияимизни қабул қилинишидан бошланди. Мамлакатимизда амалга оширилган барча ислохотлар Асосий Қонунимиз белгилаб берган талаб ва вазифаларга мос ва ҳамоҳангдир. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш бош стратегик вазифаси сифатида кун тартибига кўйилган экан — қонун ва миллий манфаатлар устуворлиги принциплари энг юксак даражага олиб чиқилди. Чунки, бу тамойил янги ўзбек давлатининг миллий тикланиши пойдеворини мустаҳкамлаши билан бир қаторда, бошланган

ишлар ортага қайтмас жараён эканлигини кафолатлади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан Ватанимизда кенг кўламли маънавий янгиликни ва ислохотлар жараёни амалга оширилмоқда. Бу иш энг аввало халқимизнинг тарихига нисбатан адолатни ва объектив муносабатни тиклашдан бошланди. Маълумки собиқ тузум даврида ўзбек халқининг тарихи сохталаштирилди, буюк аждодларимиз фаолиятига салбий муносабат шакллантирилди. Тарих шожидки, миллий мустақилликни қўлга киритиб миллий тикланишга юз тутиш, дав-

лат ва жамият қурилишини тегаран ислоҳ қилиш доимо кескин қарама-қаршилик, мураккаб сиёсий ва иқтисодий-ижтимоий жараёнлар доирасида кечган. Узоқ йиллар мобайнида кўнма бўлиб қолган турмуш тарзидан, катта бир авлоднинг онг-тафаккуридан мустаҳкам жой олган ақида ва гоялардан воз кечиш осон кўчмаган. Ана шундай шароитда юрт тарихини холис, ҳаққоний ўрганиш ва тадқиқ қилиш «Биз киммиз?», деган саволга жавоб топиш энг долзарб вазифа сифатида кун тартибига турарди. Президентимиз маъруза масаласига кенг жамоатчилигимиз диққатини

қаратар экан: «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас» деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Ўртимизда истиқлол йилларида халқимиз тарихини ҳаққоний ўрганиш юзасидан ҳам фанда, ҳам таълимда улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, тарихий шаҳарларимиз ва буюк алломаларимиз юбилейларини халққаро миқдосда нишонлаш ўзбек халқини жаҳонга танитиб, миллатимиз қалбида фахр ва гурур уйғотди. Амалга оширилаёт-

ган бундай беқиёс ишлар замирида қандай мақсад-муддаолар бор эди? Чуккур илдишларга эга шонли тарихимизга мурожаат қилар эканмиз, аввало шу муқаддас ўз тарихига ҳақиқий эғалик ва ворислик ҳуқуқи тикланди. Иккинчидан, мустақил давлатнинг озод ва хур фуқароси сифатида ўзликни англаш ва бизлар кимларнинг авлодлари эканлигимизни англаш учун тарихимизни билиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Учинчидан ва энг муҳими замонавий тараққиёт ва илм-фан соҳасида ҳам дунёнинг илғор мамлакатлари ва халқлари даврасида муносиб жой эгаллашимиз, миллатнинг ҳар томонлама етуқ, билимли янги авлодини тарбиялашда улғувор тарихимизнинг ўрни жуда юксакдир. Давлатимиз раҳбари сўзлари билан айтганда «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажак йўли» бундай мақсад ва вазифалар руҳида, замирида биз ўзликни англаш, бугунимиз ва келажакимизни кўраемиз.

Президентимиз тарихимизни ўрганиш ва билишдан кўзланган асосий мақсадлардан яна бири сифатида: «Биз ўз тарихимизни холисана ва ҳаққоний баҳолаб, маънавий меросимизни бойитиш ва ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз, шу асосда бугунги жаҳон илму фани ва маданиятини юксак чўққиларини эгаллашдек буюк вазифага ҳар томонлама муносиб ва қодир бўлишимиз даркор»лигини алоҳида тилга олиб ўтдилар.

Бу ўғит барчамизни, улғувор тарихимизни билишдан асосий мақсад ўтмиши шунчаки фахрли объектга айлантириш эмас — ундан сабоқ олиш, хулоса чиқариш ҳамда бугун замон олдимизга қўётган мураккаб ва шарофли вазифаларни ҳал қилишда буюк боболаримизнинг улкан тарихий-маданий меросидан куч олиб, унга муносиб бўлиш ва замонавий тараққиётда ўз ўрнимизни топишимизга ундамоқда.

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Мирзо Улуғбекнинг маънавий жасорати

Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, ЎзРФА Археология институти илмий ходими

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Мирзо Улуғбек адолатли ҳукмдорлик қилганлиги туфайли унинг даврида Мовароуннаҳрда бирор марта ҳам халқ кўзголига бўлмаган. Бу факт ҳам юқоридаги фикрларни яққол исботлаб турибди.

Афсуслар бўлсинки шундай улғу зотнинг ҳаёти фожиа билан тугаган эди. Бу фожиа ҳақида ёзган В.Шеглов, Ю.Алескеров, Т.Собиоров ва бошқа бир неча олимлар «Мирзо Улуғбек астрономия билан шуғулланганилиги учун реакция диндорлар томонидан дахрийликда айбланган. У прогрессив илмга қарши бўлган руҳонийлар фитнасининг қурбони бўлган», деган қатъий фикрни билдирганлар. Аммо шу даврга оид тарихий манбаларнинг таҳлили юқоридаги фикрни бутунлай асоссиз эканлигини кўрсатиб турибди.

Авалламбор, шуни таъкидлашимиз лозимки Шарқ мамлакатларида, жумладан, Мовароуннаҳрда ҳам астрономия билан шуғулланиш дахрийлик ҳисобланмаган. Аждодларимиз жуда қадимданок астрономияга қизиққанлар. Ислам дини араб мамлакатлари, Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳрга ёйилган астрономия фани янада янгича нафас билан ривожланганилиги гувоҳ бўлди. IX асрда халифа ал-Маъмон даврида ислом динининг маркази Бағдодда илк расадхона барпо қилинган эди. Уз кўлами жиҳатидан анча йирик бўлган бу илмий марказда кўплаб мовароуннаҳрлик алломалар ҳам илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Урта асрларда ватандошларимиз Аҳмад ал-Фарғоний, Мухаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ас-Самарқандий ҳам бу фан билан шуғулланиб ўзларининг машҳур асарларини ёзганлар. Аммо уларни ҳеч қим дахрийликда айбламаган. Қолаверса, Ислам динини юксак даражада қадрлаган, унинг ривожига катта ҳисса қўшган Амир Темур ва Мирзо Шоҳрухнинг саройларида ҳам астрономлар ижод қилганлар. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Мирзо Улуғбек астрономия

илми билан шуғулланганилиги учун диндорлар томонидан ўлдирилган, деган тахмин бутунлай асоссиздир, дея оламиз.

Тарихий манбаларда, Мирзо Улуғбек имон-эътиқодли шахс бўлганлиги, ислом динини юксак даражада қадрлаганлиги алоҳида таъкидланган.

Мирзо Улуғбек фожиасининг асл илдишларини унинг илмий фаолиятдан эмас, ҳукмдорлик фаолиятдан ахтарасак тўғрроқ бўларди, менимча. Мирзо Улуғбекнинг ҳукмдорлик фаолияти, олиб борган ички ва ташқи сиёсати ҳақида тарихчилар: Давлатшоҳ Самарқандий, Абдуразоқ Самарқандий, Мирхонд ва Хондамирлар муҳим маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Юқоридаги тарихчиларнинг маълумотларидан аналитик Мирзо Улуғбек қўл остидаги фуқароларнинг аҳолини энгиллаштириш учун урта асосий иқтисодий ислохотларни амалга оширади.

Мирзо Улуғбек ердан олинадиган солиқни энг кам миқдорга туширган ва солиқни ҳосил қилишдан сўнг олинишини белгилаб қўйган. Бунинг натижасида минглаб оддий фуқароларнинг иқтисодий аҳоли яхшиланган. Бу биринчи ислохот эди. Мирзо Улуғбек амалга оширган иккинчи ислохот Мовароуннаҳрда пул муомаласини тартибга солиш билан боғлиқ эди.

Маълумки, Мирзо Улуғбек ҳукмдорлигининг дастлабки давларида мис тангалар Мовароуннаҳрнинг бир неча йирик шаҳарларида зарб қилинган эди. Турли шаҳарларда зарб қилинадиган мис тангаларнинг оғирлиги бир-бирдан фарқ қилиб, ҳар хил қаллобликларга йўл очилар эди. Натижада халқнинг бу тангаларга бўлган ишончи сусайиб борарди. Мирзо Улуғбек бу суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш мақсадида мис тангаларни зарб қилишни марказлаштирди.

Бу ислохот натижасида халқнинг мис тангаларга бўлган ишончи ортиб савдотикда ривожланиш юз берган. Аммо бу ислохот натижасида айрим шаҳарларнинг ҳокимлари, танга зарб қилишга масъул бўлган амалдорлар катта фойда-



дан маҳрум бўлганлар. Бу икки ислохотдан халқ катта фойда кўрган бўлса-да, давлат хазинаси зарар кўрган. Кўрилган зарар эса Мирзо Улуғбек жорий қилган танга солиғи ҳисобидан қопланган. Айнан мана шу солиқ, Амир Темур даврида ҳам, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги пайтида ҳам, султон Абу Саид давлатни бошқарган замонда кўпгина баҳс-мунозараларга, норозиликларга, ўлимларга сабабчи бўлган эди.

Амир Темур даврида ҳам бу солиқ кенг миқдосда жорий қилинган. Сўнгра Мирзо Улуғбек ҳам танга солиғини жорий қилган ва ҳар қандай норозиликларга қарамай уни бекор қилмаган. Шу сабабли ҳам шариятда қўзда тутилмаган танга солиғини жорий қилган, уни бекор қилишни истамаган Мирзо Улуғбекнинг ўз даврининг йирик мулкдорлари, бой-бадавлат руҳонийлари, шариат тартиб-қоидаларини бузганликда айбланганлар.

Профессор Темур Широқовнинг фикрича, шариат тартиб-қоидалари шаклланаётган пайтда Арабистонда савдо-сотик ва хунармандчилик ҳам эндигина ривожланаётган эди, шу сабабли бу соҳалар тараққиётига зийн етмасин деган мақсадда савдотик ва хунармандчиликка солиқ жорий қилинмаган бўлиши мумкин. Албатта, бу фикрда жон бор. XIV-XV асрларга келиб эса савдо-сотик ва хунармандчилик беқиёс даражада ривожланган эдики, эндиликда бу соҳаларни ҳар қандай солиқ ҳам тўхтата олмасди.

Мирзо Улуғбек бу солиқ йирик амирлар, лашкарбошилар, мулкдорлар, бой-бадавлат руҳонийларга ёқмаётганлигини жуда яхши билса-да, оддий халқнинг фаровонлиги ва илм-фан, маданият ривожини ўйлаб бу солиқни бекор қилмади. Бу давлатимиз

раҳбари таъбирлари билан айтганда улғу алломанинг ўзига хос маънавий жасорати эди. Шаҳзода Абдулатиф ҳам мулкдорларнинг тамга солиғидан норозилигини яхши биларди. Шу туфайли у отаси Мирзо Улуғбек ва уқаси Абдулазизлар билан ёлвасиб кўнгли тожу тахтни тусаб қолганида дарҳол ўзи ҳокимлик қилаётган Балхда тамга солиғини бекор қилади. Тамга солиғидан норози бўлиб юрган бой-бадавлат савдогарлар, руҳонийлар, амирлар, лашкарбошилар шаҳзода Абдулатиф атрофида тўплана бошладилар. Абдулатифнинг бу тadbирини эшитган мовароуннаҳрлик бой-бадавлатлар ҳам ғимирлаб қолишади. Айрим амирлар ва лашкарбошилар Мирзо Улуғбек қўшинини тарк этиб, Абдулатифнинг паноҳига кета бошладилар. Шу тарихда аста-секинлик билан улғу алломага қарши фитна етила бошлади. Мирзо Улуғбек ҳукмдор сифатида ўз даврининг бой-бадавлатларининг манфаатларини ҳимоя қилмай оддий халққа ғамхўрлик қилганлиги учун йирик мулкдорлар уюштирган фитнанинг қурбони бўлди.

Абдулатиф тахтага ўтирган кунининг эртасигаёқ Мовароуннаҳрда тамга солиғини бекор қилиш ҳақида фармон беради.

Шу ўринда Мирзо Улуғбек фожиасининг асл илдишлари бутунлай бошқа томонда экан, нега шўро тарихчилари ҳақиқатдан кўз юмишиб, бунга ислом дини ва унинг арбоблари сабабчи, деган фикрни илгари сурганлар?, деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Бунга жавобан шуни айтишимиз лозимки, шўро мафкурачилари бу сохтачиликдан жуда унумли фойдаланишни кўзлаган эдилар. Дастлаб шуни айтиш жоизки, Мирзо Улуғбекни адолатпарвар, халқпарвар ҳукмдорлигини тан олишга шўро мафкуриси йўл қўймади. Чунки, бу мафкурага кўра, ҳукмдорни, демак у албатта золим бўлиши керак эди.

Қолаверса, Мирзо Улуғбекнинг фожиасида ислом динининг қўли бор, деган гоя орқали ислом динини инсоният тараққиётига гоя дин сифатида кўрсатиш керак эди.

Шу билан бирга халқимизни камситиш, руҳиятини синдириш мақсадида Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрдаги илмий-маданий тараққиёт туфайли юзага келган аллома эмас, жаҳолатга тўла даврда тасодифий пайдо бўлган олим сифатида талкин қилинди.

Юқорида айтилган фикрлардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, Мирзо Улуғбек астрономия фани билан шуғулланиб, илм-фанга ҳомийлик қилганлиги учун эмас, ўз замонасининг бой-бадавлатлари манфаатларига қарши сиёсат олиб борганлиги учун улғу уюштирган фитна қурбони бўлган. Лекин унинг мамлакат тараққиётига, илм-фан ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси, яъни маънавий жасорати асрлар оша яшамокда ва шундай бўлиб қолади. Тарихий ҳақиқат айнан шундайдир.

СЕМИНАР

Барқарор ривожланиш истиқболлари

Тошкентда «Барқарор ривожланиш истиқболлари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Табиат ва инсоният ўртасидаги ўзаро муносабат жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатса, улар ўртасидаги ўзаро номуносаблик акс таъсир кўрсатади. Инсонларнинг табиатга нисбатан нотўғри муносабати нафақат экологик, балки иқтисодий муаммоларни ҳам юзага келтирилади. Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари, табиий ресурсларнинг тобора камайиб бориши глобал муаммолардан бирига айланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ана шу муаммоларни ҳал қилишда бевосита таълим тизими орқали ёндашишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Семинар-тренингда таъкидланишича, ер сайёрасидаги табиий бойликларни эҳтиёт қилиш, келажак авлодга етказиш ҳақида ўйлаш ҳар қачонгидан кўра долзарб аҳамият касб этади. Айниқса, бу борада Барқарор тараққиёт таълими концепцияси муаммоларнинг ечимини топишда янгича нуқтаи назар билан ёндашиш имконини беради. Ушбу давлатнинг асл моҳияти ер юзидagi табиий мувозанатнинг ўзгариши, бевосита иқтисодий, ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлишини, бир сўз билан айтганда барқарор ривожланишда салбий таъсирини илмий асосда кўрсатиб беришдан иборат. Айтиш жоизки, ЮНЕСКО халққаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мамлакатимиз таълим тизимига ҳам барқарор ривожланиш таълиминини тадбиқ қилишда кўмаклашиб келаётди.

Маъруза семинар-тренингда энг аввало, мутахассис кадрларни тайёрлаш биринчи галдаги вазифа қилиб олинди. Уқув-семинар давомида иштирокчилар барқарор ривожланиш таълими бўйича ўзаро фикр алмашиб, ўқинининг янги усулларини дарс жараёнида қўллаш юзасидан кўнма ҳосил қилишди.

Тренинг давомида фаоллик кўрсатган ва муҳокама қилинган мавзулар бўйича курс ишларини ҳимоя қилган ўқитувчилар махсус сертификатлар билан тақдирланди. Бу улғура олган билимларини жойларда амалиётга қўллаш имконини беради.

«Туркистон-пресс»

ЖАРАЁН

ТАЪЛИМ

Ватан туйғусига ошуфта қалблар



Пардабой ТОЖИБОВ

Фарзанд дунёга келган кундан бошлаб, унинг мурғак қалбига Ватан туйғусини уйғотиш халқимизга хос одат. Гўдак бийрон тиллари билан "Анна", "Атта" сўзларини такрорлаётган пайтда Ватаннинг мангу туйғуларини, катталарни хурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш, сувга туфурмаслик, ўзидан каттага салом бериш, бетга чопмаслик, андиша қилиш ва бошқа хислатлар йил сайин уйғунлаштириб борилади. Оилада, болалар боғчасида, мактабда ўрганган халқимизга хос одатлар келажакда ўз самарасини беради.

мусобақа ўйинларига ҳакамлик қилмоқда. Жуссасидан куч, кўзларидан теран маъно ёғилиб турган ёшлар орасидан келажакда Ватан шарафини жаҳон мусобақаларида химоя қилувчи спортчилар етишиб чиқишига ишора эмасми бу! Улар ҳозирданок туман, вилоят, республика мусобақаларида қатнашиб, олган билларининг самарасини намойиш этишяпти. Тазквондо, волейбол, гимнастика каби спорт турлари бўйича шугулланаётган ёшларнинг номи элга танилиб қолди.

Мактабда 409 нафар ўқувчи фан асосларини ўрганишяпти. Мактабнинг илмий бўлим мудири Тошпулат Сулаймонов ёшлар онгиде Ватан туйғусини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида гапириб берди. Энг аввало мактаб худудини обод ва кўркам сақлаш ҳар бир ўқувчининг бурчидир. Ўқув даргоҳининг қарийб бир ярим гектар боғи ўқувчилар томонидан парвариш қилинмоқда. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек "Бу гулшан саҳнида гул кўп, чаман кўп!" Ўқувчилар боққа ўзлар яхши кўрган мевали, манзарали кўчатларни экиб, парваришляптилар. Улар баҳорини ёруғ юз билан кутиб олиш тадоригини кўришяпти.

Бу сўзларни таъкидлашдан мақсад бугун мактабларимизда болаларга аждодлардан ўтиб келадиган миллий кадриятлар фан асослари замирида ўргатиб беришмоқда. Яқинда биз Галлаорол туманидаги Абдуқодир Сағиров номли 19-умумтаълим мактабда бўлганимизда айтиш ҳолатини кўрдик. Муллабулоқ қишлоғидан ўтадиган йўл бўйлаб, билим даргоҳига борар эканмиз, пешвоз чиқаётган ўқувчиларнинг кўксига қўлини қўйиб, салом бераётгани, мактаб жамоаси ахлоқ ва одобни болалар қалбига чуқур сингдираётганини исботлаб турибди. Мактаб формасидаги ўқувчилар ораста ва озода. Бу ўқувчилар орасидан Президентимиз ният қилган халқимизга муносиб фарзанд-

лар етишиб чиқади, албатта. 2007 ўқув йилида қурувчилар томонидан бунёд этилган икки қаватли бинода келажакимиз пойдевори бўлган ёшлар таълим-тарбия олмақдалар. Қаранг, ёшларимиз билим олишлари учун қандай шароитлар яратиб қўйилган: компьютер хоналари, лаборатория машғулоти ўтказиладиган синфлар, фанлар бўйича кабинетлар... Мактаб раҳбари Манзура Юсупова, айниса спорт ишларига катта эътибор берилаётгани ҳақида гапирди. 10 млн. сўмлик спорт анжумани жорий ўқув йилида мактабга берилгани фикримизни тасдиқлайди. Мактабнинг кенг, шинам спорт залида машғулотлар ўтказилмоқда. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Жавлон Умаров

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

МУХБИРИМИЗ

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омилларидан бири саналади. Бу жараёнда, шубҳасиз, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар, айниса адлия тизимининг ҳиссаси катта бўлади. 2006 йилнинг 22 сентябрда айтиш шунга жараёни янада тезлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси "Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилган эди.

Унинг ижроси адлия идоралари томонидан қандай бажарилмоқда? Адлия вазирлиги ташаббуси билан ана шу мавзуда жойларда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги матбуот анжуманининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўз юритган Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари ОАВ вакиллари ушбу жараёни ёритишда янада фаолроқ бўлишга, айрим нашр вакиллари эса "прес-релиз"дан ташқариға чиқолмаётгани, аксинча улар бўлиб ўтган тадбирларнинг асл моҳияти, эришган натижалари, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ҳақида кўпроқ ёзишлари кераклигига эътибор қаратди. Ана шунда ҳар икки томон ҳам кўзлаган мақсадиға эришган бўларди.

Кун тартибидаги асосий масала - "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада ошириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар" ҳақида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи Хайриддин Файзиев ахборот берди. Маълумотларга қара-

Ҳуқуқий маданият

уни юксалтиришда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси қандай ишларни амалга оширмоқда? Анжуманда ана шу саволга жавоб изланди.

ганда ўтган йил давомида Тошкент шаҳар адлия бошқармасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишга оид 2 минг 110 та ариза ва шикоят ва ўрганилган. Ана шу муносабатлар юзасидан бошқарма томонидан тегишли ташкилот ва муассасаларга 675 та такдимнома, огоҳнома ва кўрсатмалар киритилган, битта қарорнинг ижроси бекор қилиниб, 503 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишга доир 3573 та ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилган. Яна бир муҳим далил шундан

Маълумотларга қараганда ўтган йил давомида Тошкент шаҳар адлия бошқармасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишга оид 2 минг 110 та ариза ва шикоят келиб тушган ва ўрганилган. Ана шу муносабатлар юзасидан бошқарма томонидан тегишли ташкилот ва муассасаларга 675 та такдимнома, огоҳнома ва кўрсатмалар киритилган, битта қарорнинг ижроси бекор қилиниб, 503 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган.

иборатки, тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва бошқа соҳадаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш борасида адлия бошқармасининг саъй-ҳаракати билан 10 миллиард сўмдан ортиқ ҳажмдаги даъво аризалари қаноатлантирилган. Бундан ташқари 59 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо қўллаш, 25 нафарини эса вазифасидан озод этиш ҳақида тегишли


идораларга таклифлар киритилган. Бошқармада "ишонч телефони" мунтазам ишлаб тургани, бу эса айниса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга ёрдам бераётгани ҳақида ҳам маълумот берилди. Энг муҳим натижа шуки, адлия бошқармаси билан ана шундай матбуот анжуманларини йилнинг ҳар чорағида ўтказиб туришга келишиб олинди. Шунингдек, ҳуқуқ мавзусида ёзадиган журналистлар ҳамда адлия тизимидаги ахборот хизмати учун маъсул ходимларни соҳага ихтисослаштириш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида махсус ўқув курслари ташкил этиш ҳақида ҳам гап борди.

Анжуманда Юнособод туманидаги тиббиёт коллежининг ёш тарғиботчилар гуруҳига ҳуқуқий тарғибот ишларида фаол иштирок этгани учун Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиғи топирилди ва таъкидландики юридик соҳага йўналтирилган лицей ва коллежлар ҳам бундан ўрнат олишса ёмон бўлмасди. Айтиш жоизки пойтахтимизда бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлган қўллаб-қувватлаш бўлиб қолди, энг муҳими ўша жойнинг ўзидаёқ айрим таклифларни амалга оширишга келишиб олинди.

БАНК ХИЗМАТИ

Янги иш ўринлари яратилмоқда

Бунга "Ўзмиллибанк"нинг Сирдарё вилояти бўлими яқин кўмакчи бўлапти



Анорбой НОРКУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Кичик бизнес ва ўрта хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодийдаги ролини оширишда банклар муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода, "Ўзмиллибанк"нинг Сирдарё вилояти бўлими кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришда ўз мижозларига яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Банкдан кредит олиб фаолиятини йўлга қўяётган ишбилармон ва тадбиркор

инсонларнинг сафи тобора кўпаймоқда. Утган давр мобайнида юридик шахс макомини олиб фаолият кўрсатаётган 45 нафар банк мижозига 744 млн. 986 минг сўмлик кредит берилди. 140 нафар яқка тартибда фаолият кўрсатаётган мижозларга эса 818 млн. 353 минг

сўмлик кредит ажратилди. Банкнинг мижозлари бўлган "Ювоббой ҳожи", "Мадамин ота", "Норбўтабой" фермер ҳўжаликлариға эса хорижда ишлаб чиқарилган "Класс Доминатор" русумли комбайн хариди учун 146 млн. сўмлик узоқ муддатли кредит ажратилди.

Шунингдек, банк томонидан вилоятнинг чекка туманларида касаначиликни йўлга қўйиш, иссиқхоналар қуриш, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун ҳам кредитлар ажратилмоқда. Кредит эвазига қўллаб янги иш ўринлари барпо этилиб, ишсизлар доимий иш билан таъминланмоқда.

Мен банкдан иссиқхона қуриш мақсадида беш йил муддатга йиллик 14 фоизлик устама ҳақ тўлаш шарти билан 20 млн. сўм кредит маблағи олдим,- дейди Мирзаобод туманининг Турғун Аҳмедов номли маҳалла фуқароси Рўзимухаммад Турдибеков. - Айтиш дамда ушбу иссиқхонада 10 нафар киши ишлаяпти.

Шу туманда яшовчи хусусий тадбиркор Баҳодир Юсупов ҳам банк томонидан берилган 13 миллионлик кредит эвазига паррандачиликни йўлга қўйди.

Банкнинг қўллаб-қувватлаши туфайли воҳода иқтисодиёт раванқ топиб, қишлоқ шароитида янгидан-янги иш ўринлари яратилмоқда.

ЭЛГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ ҲИММАТ

Йўл қоидаси – умр фойдаси

"Skif LTD" жамоаси айнан шу ақидаға амал қилади

Шерзод ҚУРБОНОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

"Skif LTD" маъсулияти чекланган жамияти саккиз йилдан буён йўловчи ташиш ва транспортларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

Йўловчи ташиш учун 6 та, яъни 6-, 18-, 77-, 41-, 102-, 117- маршрут йўналишлари бўйлаб 238 та "Дамас" автомашиналари хизмат қилади,- дейди МЧЖ раҳбари Фурқат Зоҳидов. - Ҳайдовчиларимизнинг барчаси кўп йиллик тажрибаға эға. Шунга қарамай улар ўртасида доимий равишда "Диққат, болалар!", "Диққат, темир йўл кесишмаси", "Диққат, пиёда", "Йўл қоидаси - умр фойдаси" каби қўллаб ҳаракат хавфсизлиги тадбирлари ўтказиб турилади. Эрта тондан йўловчи ташиш учун ишга отланаётган ҳар бир ҳайдовчи нарқолог врач қўригидан, уллови эса ҳаракат хавфсизлиги муҳандиси қўригидан ўтади. - Ҳар бир транспорт ўз йўналишида кишиларни кўзлаган манзиллари сари етказиб қўяди,- дейди ҳаракат хавф-

сизлиги муҳандиси Акрам Ибрагимов. - Шу боис, кундалик техник кўрик транспортнинг йўналишга чиқиш-чиқмаслигини аниқлаб беради. Носоз техника шу куннинг ўзидаёқ техник хизмат кўрсатиш устахонасига жўнатилади. Транспортларга техник хизмат кўрсатиш устахоналаримиз 12 та бўлиб, шундан 10 таси Даҳбед қўриғида, 9 таси Сўғдиёна худудида жойлашган. Улар аҳоли учун ҳам бирдек хизмат кўрсатмоқда. 2008 йилнинг 17 декабридан 2009 йилнинг 27 январига қадар вилоят худудида ҳаракат хавфсизлиги ойлиги тадбири ўтказилди. Тадбир давомида ўтказилган кузатув ва мониторинглар натижасига қўра, "Skif LTD" МЧЖнинг 6 та маршрут йўналишида ҳаракатланаётган 238 та транспорт воситаси шаҳар ичида, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳаракатланмоқда. Уларнинг иш фаолияти барча йўловчи ташиш билан шуғулланувчи фирмаларга намуна сифатида омаллаштирилмоқда. Бундай ютуқларга эришишда айниса 6- ва 8- маршрут йўналишида хизмат қилаётган тажрибали ҳайдовчилар Маъруф Қурбонов ва Азим Саидовнинг хизматлари беқиеб.

2009 йил – қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Ванғозита бир келиб кетинг

П.ЖУМАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Ванғози Қизилтепа туманининг сўлим ва обод қишлоқларидан бири. Ванғози - ибодат қилинадиган жой маъносини англатади. Бу ерда ўрта аср мейморчилик мажмуаси Тошмаччи барпо этилган бўлиб, Бухоро амирлиги даврида "Ванғози минораси" номи билан машҳур эди. Дарҳақиқат, бу минора Бухородаги "Минораи Калон"дан сал пастроқ бўлган. Афсуслар бўлсинки, бу жой шўрлар даврида хароба аҳволга келиб қолганди.

бугдой майсалари барқ ура бошлади. Айниса, Садриддин Ҳамдамов, Бахшўлло Сулаймонов, Баҳром Жўраев, Жобир Темуров, Тоҳир Худойкулов етакчилигидаги фермер ҳўжаликларидаги экин мўл ҳосилдан дарак бермоқда.

Ванғозининг кундан-кунга чирой очиб, янада ободонлашиб боришида қишлоқ тадбиркорларининг ҳам ҳиссаси катта. Айниса Рус-тан Саломов раҳбарлигидаги "Ванғози агро-саноатэкспорт" маъсулияти чекланган жамияти олдинда боряпти. Ун тегирмони ва мой ишлаб чиқариш мини заводидан ванғозиликлар мамнун. Турли хил хайрия тадбирлари ва қишлоқ ободончилиги учун қилинаётган ҳар бир эзгу ишларга билдирилётган раҳматни истаган хонадондан эшитиришнинг мумкин. Ёки тадбиркор Бобожон Каримовни олайлик. У қишлоқ марказида "Ванғози оқшони" деб номланган бутун бир мажмуа қурди. Унда 700 кишига мўлжалланган тўйхона, аҳолиға сервис хизмати кўрсатиш шахобчалари бор. Энг аҳамиятли томони 28 киши доимий иш ўрниға эға бўлди.

Муस्ताқиллик "Ванғози минораси" ва қишлоққа қайта ҳаёт бағишлагандай бўлди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан мажмуа янада чирой очди. Муборак жой қайта тикланиб, Тошмаччида бир йўла 700-800 мўмин-муслимон дуоға қўл очадиган бўлди. Ванғози қишлоқ фуқаролар йиғини худудида 2151 нафар киши ёки 5 мингдан ортиқ оила истиқомат қилади. 7 та мактаб, 5 та қишлоқ, 6 та врачлик пункти, бозор ҳамда гузарча, Тошмаччи, Башир, Ванғози, Маданият, Пахтаобод, Оқмаччи, Ҳафқорийён ва Тожикон каби маҳаллалари бор. Ванғози қишлоқ фуқаролар йиғини қошида фермерлик уюшмаси ташкил этилган. Фуқаролар йиғини ва уюшмаси раиси Толибжон Қодиров экан. Бугунги кунда фермерлик уюшмасида 48 та фермер ҳўжалиғи фаолият юритиб келяпти. Уларнинг ихтиёрида жами 2455 гектар ер бўлиб, шунинг 1389 гектарида пахта, 1066,2 гектарида галла экилади. Галла майдонларида

"Темур Малик" МЧЖ раиси Азамат Холиқов эса 9-мактабға спорт зали қуриб берди. Ака-ука Шароф, Латиф Умид Нарзиевларға гап йўқ. Трикотаж, устки кийимлар тикишдан ташқари, улар турли хил газламалар тўқийдиган цехни ишға туширдилар.

Фуқаролар йиғини худудида 48 та фермер ҳўжалиғи бор. Улар қишлоқ мулкдорлари. Барчасининг юз-кўзидан эртанги кунға умид ва ишонч барқ уриб турибди. - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида талай режаларимиз бор,- дейди қишлоқ фуқаролар йиғини ва фермерлар уюшмаси раиси Толибжон Қодиров. - Насиб кисса йил сарҳисобида бунга гувоҳ бўласиз.

МАЪНАВИЯТ

АБАДИЯТ ГУЛШАНИ

Навоий ғазали олмон тилида

маълумотларга қараганда Навоий асарлари
Европага илк бор 1557 йилда кириб келган

Мусахон **ТОЖИХҲАЕВ**,
Наманган Давлат университети
инглиз тили кафедрасининг
катта ўқитувчиси

Кўхна ўзбек адабиётининг хорижий ўлкаларга ёйилиши, тадқиқ этилиши, шунингдек, адабиётлар ва миллатлар аро таъсири узоқ тарихга эга. Айниқса Мир Алишер Навоий асарлари Фарбий Европа тилларига кўп ва хўп таржима қилинган, қилинмоқда ҳам. Маълумотларга кўра, Навоий асарлари Европага илк бор шoir вафотидан 56 йил ўтгач-1557 йилда кириб келган.



кўпайди.

Навоий асарлари таржималарига бағишланган барча тадқиқотларда Вамберининг 1868 йилги таржималаридан кейин орадан 72 йил ўтгачгина Алфред Курелла 1940 йилда, амир шоиримиз асарларига таржима мақсадида қўл урган, деб ёзилган. Кейинги изланишларимиз натижалари шуни кўрсатадики, султон шоирнинг ижодидан таржималар Олмонияда ҳеч қачон тўхтамаган. 1898 йилда Олмониянинг энг сўлим шаҳри -Ваймарда ношир А.Зайдел томонидан олмон тилида "Осиё халқлари адабиёти антологияси" номли шеърый тўплам нашр қилинди. Унда Осиёда яшовчи халқлар, японлар, хитойлар, корейслар, вьетнамлар каби юзга яқин миллат ва элатларнинг атоқли шоирлари ижодидан намуналар берилган. Антологияда Марказий Осиёнинг туркий шоирларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, унда Насимий, Фузулий, Навоий, Машраб, Шайдоий каби донишмандларнинг асарларидан ҳам намуналар берилган. Шуниси диққатга сазоворки, бу тўпламга 100 та ўзбек халқ мақоллари ҳам олмонча таржима ва изоҳлар билан киритилган. Мақолларнинг бошида ва сўнгидида Машрабининг Балх шаҳрида муллолар билан мутоибаси мақол тарзида илова қилинган, яъни "Отим Худойберди, бердисини айтганимча булар мени итдай қувдилар, мен мушукдай қочдим", деган сўзлар билан тугаган ҳикоят олмонларда халқ мақолига айлантирилган ва "айтимлоқчи бўлган фикрни охиригача тингла", деган ўғитни аниқлаш ўқитилган.

Антология Навоийнинг энг гўзал ғазалларидан бўлиши "Ёрдин айру кўнгул, мулкедурур султони йўк, Мулқким султони йўк жисмедурурким жони йўк" байти билан бошланувчи машҳур ғазалининг олмон тилидаги шакли билан зийнатланган. Ғазал тадриж усулининг ёрқин намунаси. Ҳазрат шу усул билан кўпгина воқеъбанд шеърлар яратган бўлиб, уларда лирик ҳиссиёт ифодаси билан айтимлоқчи бўлган фикр-ғояни бир-бирига узвий боғлайди. Бу ғазал ҳам Навоий ижодининг етакчи мавзуларидан бўлиши ҳаққ дари ва бу дардин бошдан ўтказиш орқали юксак ахлоқи киши этишиши мумкин ва лозим бўлган собирлик ҳислати куйланади. Зеро, собирлик-сабр-муслимининг энг юксак фазилати ва мажбуриятидир. Муҳтарам ўқувчи ҳам шундай тўғуни тилганимиз учун аввало ғазалини аслиятда бериши лозим топдик:

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўк,
Мулқким султони йўк, жисмедурурким жони йўк.
Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул
Бир қаро туфроқким, йўқдур гулу райхон анга
Ул қоронгу кеңадекдурким, маҳи тобони йўк.
Ул қоронгу кеңаким, йўқдур маҳи тобон анга,
Зулматдекдурким, чашмаи ҳайвони йўк.
Зулматкеким чашмаи ҳайвони онинг бўлмағай,
Дўзахдурким, ёнида равзаи ризвони йўк,
Дўзахким, равзаи ризвондин ўлғай ноумид,
Бир хуморийдурким, анда мастлиг имкони йўк.
Эй, Навоий, бор анга мундоғ уқубатлари бор,
Ҳаждин дарди ва лекин васидин дармони йўк.

Бу ғазал олмончага тўрт қаторли ямб билан ўтказилган. Ғазалининг олмон таржимони ҳаққда антологияда ҳеч бир маълумот йўк. Демак, шеър ҳам шоир ҳам, олмонлар кўнгули шунчалик яқинки, улар икки халқ, икки маданият ўртасида турган таржимонни четлаб ўтиб, Навоий ушбу шеърни олмон тилида яратган, дегандай фикр берадилар. Таржимода ҳам ғазалдаги бадий санъатлар деярли тўлалигича сақланган. Англашладикки, Шарқда қўлланган бадий тасвир воситалари Фарб дунёси учун ҳам тушунарли.



НАШР

Марҳамат
МАТВАФОЕВА,
биология фанлари
номзоди

Классик ёзувчилардан бири "Ўзимдаги барча яхши фазилатлар учун бир умр китобдан миннатдорман", деб ёзган эди. Дарҳақиқат, китоблар буюк илм билмлар хазинасидир. Бизлар ундан қанчалик кўп ўқиб ўрганасак, у бизларни қомиллик сари етаклайди.

Хозирги кунда республикамиздаги олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежлар, академик лицейлар ва мактабларимизда юз миңлаб талаба, ўқувчилар сабоқ олмоқдалар. Албатта улар билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда фақатгина дарсликлар билан чекланиб қолаётганлари йўк. Сўнгги йилларда илм-фанимиз жуда катта ютуқларга эришди, буюк кашфиётлар қилинди. Олимларимиз томонидан қатор-қатор асарлар, рисолалар, қўлланмалар ёзилиб чоп этилмоқда. ЎзРФА "Ботаника" илмий ишлаб чиқариш марказининг захматкаш, фидойи олимлари У.Пратов, М.Набиевнинг "Ўзбекистон юксак ўсимликларининг замонавий тизими", К.Тойжанов, С.Мелибоев, В.Махмудовларнинг ҳамкорликдаги "Ўзбекистон юксак ўсимликлари туркум номларининг изоҳли луғати", О.Ашурметов (Марҳум), Т.Раҳимова, А.Раҳимова, Ш.Ҳикматовларнинг ҳамкорликдаги "Экология" китоблари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бу китоблар кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган бўлиб, лицей, касб-хунар кол-

лежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчилар, хуллас ўсимликлар олами билан қизиқувчи барча китобхоналар учун ёзилган қўлланмалардир.

"O'qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган У.Пратов, М.Набиевнинг "Ўзбекистон юксак ўсимликларининг замонавий тизими" қўлланмасида ўсимликларнинг энг сўнгги халқаро қабул қилинган янги таксономик бирликлар ва тизимлар асосида жаннатмакон ватанимизнинг бой (4500га яқин тур) ўсимликлари, флорасига оид барча йирик таксономик бирликлар аждод (синф), аждод(синф)ча, қабила, оила, туркум ва бўйиларнинг ўзбекча, илмий (лотинча), русча номлари ва таксонларнинг кўшимча (affiks)лари илк бор тўлиқ келтирилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ўсимликлари тўрғисига ёзилган олти жилдик "Флора Ўзбекистана" номли монография ўтган асрнинг 1941-1962 йилларида нашр этилган. Мана шундан бери орадан 40 йилдан ошироқ вақт ўтибди. Ана шу ўтган вақтлар мобайнида ботаника фанида, айниқса флора ва систематикага оид йўналишларда қатор ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, жуда кўп янги турлар, туркумлар ва оилалар кашф этилди. Изланишлар натижасида Ўзбекистонда 4 бўлим, 8 аждод, 18 аждодча, 111 қабила, 172 оилага мансуб 1003 туркум мавжудлиги аниқланди.

Ноёб қўлланмалар

"Фан" нашриёти томонидан чоп этилган К.Тойжанов, С.Мелибоев, В.Махмудовларнинг "Ўзбекистон юксак ўсимликлари туркум номларининг изоҳли луғати" китобида Ўзбекистонда 180 оилага мансуб 1000 дан зиёд ўсимликлар туркум номларининг изоҳи баътафсил бериб ўтилган.

Бу китобда қайд этилишича "Ер юзиде юксак ўсимликларнинг 300000 дан зиёд тури мавжуд деб эътироф этилган бўлса, шундан МДХ ҳудудиде 21000 турдан ортқ, Марказий Осиёда 8100, шу жумладан Ўзбекистонда 4500 (Флора бўйича 4148 тур), Қозғистонда 5000, Қирғизистонда 3500, Тожикистонда 4000, Туркманистонда эса 2800 ўсимлик тури учраши эътироф этилган. Шубҳасиз, бу қўлланма ўз ўқувчиларида бой таасуротлар қолдириб, ўсимликлар оламига бўлган қизиқишларини янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси "Ботаника илмий ишлаб чиқариш маркази (ИИЧМ) Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси олимлари, етакчи мутахассислари О.Ашурметов (марҳум), Т.Раҳимова, А.Раҳимова, Ш.Ҳикматовлар ҳамкорлигида ёзилган "Экология" китобининг кириш қисми шундай сўзлар билан бошланади: Табиатни қўриқлаш- Ватанини қўриқлаш демакдир.

Экология-бу сиз ва биз яшаб турган муҳит, яшаётган жойимиз. Ватан аслида биз кўз очиб кўрган ёруғ жаҳон, биз нафас олиб турган ҳаво,

зилол сувлари, дарёлари билан бизларни сийлаган, турфа гиёҳлари гул-чечаклари билан бетакрор гўзаллик улашган жонажон она-табиат. Ватан-Табиат аслида бир-бирига уйғун тушунча. Кундалик турмушимизда эрталаб боғчага, мактабга, иш жойимизга шошамиз. Лекин борлиққа назар ташламаймиз. Бир зумгина бўлсада теварак-атрофга назар ташлаб кўринг-а, нималарга гувоҳ бўларкансиз. Оддийгина мисол, бекатда автобуса кутаясиз. Узун равои йўллардан сон-саноксиз машиналар, автобуслар, биз нафас олиб турган ҳавони ифлослантираётганини кўришимиз мумкин. Азизлар негадир кун сайин ҳар нарсасига бефарқ бўлиб кетаямиз. Бунга ҳатто кўпчилик кўникиб ҳам қолди. Бефарқлигимиз салбий оқибатларга олиб келишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида Орол денгизининг фожиаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги турларнинг тобора камайиши туфайли, Ўзбекистон "Қизил китоби"нинг рўйхати янада кенгайиб кетди.

Инчунун, "Қизил китоб"нинг 1998 йилги нашрида муҳофазага олинган ўсимлик турларининг сони 301 тага етди. "Қизил китоб"нинг янги 2006 йилдаги нашрида муҳофазага олинган ўсимлик турларининг сони 305 тадир. Мана сизга исбот ва далиллар. Ботаникага оид китоблардан яна жуда кўплаб маълумотлар келтириш мумкин, аммо бу китобларни ўқиш, хулосалар чиқариш азиз китобхоналаримизнинг ўзига ҳавола.

нова. - Ана шунда улар фикрни тушунтиришинг осон йўли, аниқ- равои сўзларнинг муҳим воситаси эканини аниқладим. Қолаверса, мақоллар сўз бойлигини оширади, сўзлар жилваси, турфа хиллигини таъминлайди. Мақоллар ўз-ўзидан яралиб қолмаган. Уларда халқ дарди, донишмандлиги ва ички кечинмалари акс этади. Шу талабга жавоб бермаганлари эса йиллар давомида ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

Мақоллар ота-боболаримиздан қолган улкан мерос, уни унутишга ҳаққимиз йўқ. Уларнинг маъносини келгуси авлодлар ҳам теран ҳис қилиши керак. Миллий руҳимиз уфуриб турган, юзлаб йиллар давомида яратилган мақоллар бизнинг миллий бойлигимиз. Шу боис бундай нодир китобларни кўз қорачиғимизда авайлаб, халқ орасида кенг тарқатиш, тарғиб этиш учун турли тадбирларни амалга оширсак, миллий меросимиз қадрини янада юксалтирган, асраб-авайлашга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

МАЪНАВИЙ МЕРОС

Миржамол ҲОТАМОВ

Бувимнинг бир одати бор. Ҳар бир гапида, панд-насихатида албатта, ўзбек халқ мақолларини ишлатади. Биз у кишининг ҳеч қайси сўзига эътироз билдира олмаймиз. Чунки айтаётган гаплари катта ҳаётий тажрибадан келиб чиққани, мақоллар эса фикрда чуқур маъно борлигини исботлаб туради.

Ҳар бир халқ ўзининг ҳаётий тажрибаси, хулосалари, фалсафий мулоҳазаларини мақоллар орқали ифодалайди. Мақоллар йиллар давомида маиший ҳаёт, ижтимоий масалалардан келиб чиқиб шаклланади. Йиллар чигиринидан ўтган, ўзида катта ҳаётий тажриба, чуқур маъно-мазмунли акс эттиришдан ҳикматли сўзлар аждодлардан авлодларга ўтиб, халқ озғак ижоди намунасига айланган. Демак, мақолларнинг ўсиб келаётган авлод тарбияси, баркамол инсонлар бўлиб етишишидаги аҳамияти беқиёс. Аммо, назаримизда кейинги вақтларда мақоллар ёшлар орасида тобора кам мутолаа қилинаётгандек. Бунга

асосий сабаб нима? Мана шу масала юзасидан Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 284-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида сўров ўтказганимизда 94 фоиз ёшлар мақоллардан умуман фойдаланмаслигини, 6 фоиз ўқувчи кези келганда ишро ёки баён ёзишда қўллашини айтишди. Биз ёшларнинг нима сабабдан миллий меросимизни ўзида жамлаган мақолларни кундалик муомалада ишлатмаётганига қизиқдик. Уларнинг аксарияти компьютер ўйинлари ва интернетни асосий сабаб қилиб кўрсатишди. - Баъзан шундай бўладики, мақолларнинг мазмун-моҳиятига етарлича эътибор берилмай, сўзла-

Ўзбек халқ мақоллари —

миллий бойлигимиз

уларни электрон дастурлари яратилиб
"Интернет"га жойлаштирилса...

ри бузиб қўлланлади. Масалан, Махмуд Қошғарийнинг "Девон-ул луғотит турк" асарига шундай мақол келтирилган: "Отимнинг ўлишини билганимда бир қоп кепакка алмаштирган бўлардим". Бу мақол бугунги кунда аксарият ҳолларда "Отимнинг ўлимини..." тарзида қўлланмоқда. Ҳатто баъзи китобларда ҳам шу хатони учратиш мумкин. Бундай ҳолатлар мақолларга нисбатан қанчалик бефарқлигимиз, уларнинг маъносию қай ҳолатда қўллангани унутатганимиз оқибати

бўлса керак. Ёшларнинг мақолларга муносабати, уларни халқимиз томонидан асрлар давомида яратилган озғак ижод намуналарига ошно қилиб тарбиялаш масаласи билан қизиқиб она тили ва адабиёти ўқитувчиси Гулнара Ибрагимовани мурожаат этдик. - Мақолу маталларимиз ўлмас аъналаримиз, урф-одатларимизни ёшлар онгига сингдириб бориш учун мактабимизга турли фольклор гуруҳларини тақлиф қилаётимиз, - дейди у. - Янги ўқув методларини

қўллаб, халқ озғак ижодининг ажралмас қисми бўлган мақоллар, топишмоқларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида ўқув қўлланма ва турли тестлардан фойдаланяпмиз. Аммо оилада ҳам, мақалларда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилиши керак, деб ўйлайман. - Бугунги кунда нафақат ёшлар балки катталар ҳам мақоллардан кам фойдаланётганини инкор этолмаймиз. - дейди филология фанлари номзоди, фольклоршунос Абдумурод Тиловов. - Халқ озғак ижоди,

ўлмас меросимизни кенг тарғиб қилиш учун замон билан ҳамнафас ҳаракат қилиб, уларни интернет сайтларига жойлаштириш катта самара беради, деб ўйлайман. Керак бўлса, турли электрон луғатлар, маълумотлар базасига ўхшаган мақоллар дастурини яратиш зарур. Бир дастурни кўрган эдим. Ҳар кунги компьютерни ёқиб билан у ишга тушади ва кайфиятингизни кўтаришдан битта латифа мониторда пайдо бўлади. Нега энди озғак ижод намуналари, мақоллардан иборат шундай дастур яратиш мумкин эмас. Мен ўлмас меросимиз ёшлар онгига замонавий усулда сингдирилиши тарафдориман. - Бадий китобларни мунтазам ўқиган пайтларимда мақолларни озғак ижод нутқида ҳам кўп ишлата бошладим, - дейди 8-синф ўқувчиси Шаҳрибону Султо-

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

Бугун дунё иқтисодиёти жиддий имтиҳонни бошдан кечирмоқда. Бу оммавий ахборот воситалари орқали гувоҳ бўлаётганимиз – 2008 йилда бошланиб, қарийб ярим йилдан буён кўпда давлатларнинг “юраги”га таъсир кўрсатаётган молиявий инқироз саналади. Жаҳонда унинг кўлами кенгайиб, йирик-йирик корхона ва ташкилотлар, банк муассасаларини хонавайрон қилди. Сўнги маълумотларга кўра, Япониянинг дунёга машҳур “Ниссан” автоконцерни ҳам инқироз туфайли 20 минг ишчи-ходимларидан воз кечишни маълум қилган. Хуллас, дунё давлатлари жорий йилда жиддий чоралар кўрмас экан, бир-бирига узвий боғланган иқтисодиёт пасайишда давом этаверади.

Шу жиҳатдан бир минтақада пайдо бўлган иқтисодий пасайиш тез орада дунёнинг бошқа нуқтасида ҳам акс садо беришни кўрсатди. Мамлакатимизда иқтисодиётни инқироздан ҳимоялашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Иқтисодиётнинг реал

Узоқни кўзлаган тадбир

Жаҳонда юзага келган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам ўзининг нақадар тўғри эканлигини намоён этмоқда



Президентимиз Фармонларида тижорат банкларининг корхоналарини модернизация қилиш, экспорт қилувчи корхоналар ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашдаги муҳим роли инобатга олинган ҳолда, банкларнинг реал сектор корхоналарига ўз вақтида молиявий кўмак беришдаги фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, тижорат банклари то-

ишироқида 700 дан зиёд янги корхона барпо этилган, улар биринчи гада юқаск технологияларга асосланган тармоқларда - энгил, озиқ-овқат, электротехника, кимё ва нефть-кимё, машина-созлик, қурилиш материаллари саноатида, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ташкил этилаётганлиги фикримиз далилидир.

Хозирги кунда мамлакатимиз ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда, бундай корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг экспорт ҳажми ўтган йилда 62 фоизга ошган. Ўтган йиллар давомида давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги ёндашувлар тубдан қайта кўриб чиқилди, корхоналар капиталда давлат иштирокини кескин камайитиришга оид қарорлар қабул қилинди, давлат мулкни баҳолаш ва кейинчалик хусусий мулк сифатида сотишни тартибга соладиган норматив базани либераллаштириш ишлари олиб боришмоқда. Масалан, хусусийлаштириш ва инвестициялашга доир минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижаларига қараганда 2008 йили Бухоро вилояти корхоналарига 256 миллиард сўм миқдорда хорижий инвестициялар жалб қилинди (уларнинг қарийб 68 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этган).

Бундан ташқари, 2007-2008 йиллар мобайнида 28 давлат активлари хусусийлаштирилиб, 2,1 миллиард сўм миқдордаги инвестиция мажбуриятлари маҳаллий инвесторлар томонидан адо этилди, икки мингга яқин янги иш ўринлари барпо этилди. Шунингдек, мамлакатимизда аҳолининг тижорат банклари билан ишончи ҳам тобора мустаҳкамланиб, давлатимизнинг барқарор

Банк-молия тизимида амалга оширилган ишлар натижасида 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига банклар томонидан иқтисодиётнинг реал секторига берилган кредитлар ҳажми 6.4 трлн. сўмни, тижорат банклари устав капитали 2.1 трлн. сўмни, банк активлари 13 трлн. сўм (ялпи ички маҳсулотга нисбатан 35%)ни ташкил этди ва аҳоли омонатлари 1.6 трл. сўмга етди.

иқтисодий ўсиши ва пул-кредит сиёсатини амалга оширишда банкларнинг фаоллиги кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, 2008 йилда тижорат банклари томонидан аҳоли учун кўпжа янги омонат турлари жорий қилинди, банк хизмати кўрсатиш сифати ва самардорлиги янада ошди. Бунинг самараси ўлароқ, ўтган йили банклардаги аҳоли омонатларининг ҳажми 1,7 марта кўпайди. Банклар орасида, айниқса, 2008 йил якунларига кўра, “Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки” номинациясида 1-ўринни эгаллаган Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 1,5 миллион кишидан ортқ мижозга тезкор ва ҳозиржавоб хизматлари кўрсатаётгани, ҳаётбахш лойиҳаларни татбиқ этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айрим кузатувчиларнинг фикрича, жаҳонда кузатилаётган инқироз юртимиздаги экспорт қилувчи корхоналар фаолиятига биров таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай пайтда маҳсулотга талаб ва эҳтиёж ўтган йилларга нисбатан пасайиш эҳтимоли мавжуд. Бошқача айтганда, хозир жаҳон товар бозорлари конъюктурасининг ёмонлашуви, рақобатнинг кескинлашуви каби қатор ташқи омиллар мавжудки, булар Ўзбекистон корхоналари томонидан экспорт қилинадиган айрим маҳсулот турларининг нархи ва ҳажмлари пасайиши орқали иқтисодиётимизга салбий таъсир ўтказмоқда. Шунинг учун ҳукуматимиз томонидан экспорт қилувчи корхоналарни ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт учун қўшимча омилларни яратиш мақсадида маъмурий қўллаб-қувватлашга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилинди, давлат мулкни баҳолаш ва кейинчалик хусусий мулк сифатида сотишни тартибга соладиган норматив базани либераллаштириш ишлари олиб боришмоқда. Масалан, хусусийлаштириш ва инвестициялашга доир минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижаларига қараганда 2008 йили Бухоро вилояти корхоналарига 256 миллиард сўм миқдорда хорижий инвестициялар жалб қилинди (уларнинг қарийб 68 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этган).

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлашга қаратилган ушбу Фармонлар мамлакатимизда реал сектор корхоналари ва кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бораида муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Бу эса иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ қилишининг изчил ва босқичма-босқич амалга оширишнинг ўзига хос модели жаҳонда юзага келган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ўзининг нақадар тўғри эканлигини кўрсатмоқда.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Талаб пасайди

Жаҳонда кузатилаётган иқтисодий инқироз бошқа мамлакатлар қатори Германиядаги компанияларнинг ҳам молиявий аҳволи кескин ёмонлашишига сабаб бўлмоқда.


Йирик “Metro” корпорацияси маҳсулотларига бўлган талабнинг пасайиши туфайли мазкур корхона 2012 йилга қадар ўн беш минг иш ўрнини қисқартиришни режалаштирган. Бу кўрсаткич компания ишчи кучининг беш фоизини ташкил қилади. “Metro” корпорацияси “Share 2012” деб номланган ушбу лойиҳани амалга ошириш орқали 1,5 миллиард евро миқдорда маблағ тежаш имконига эга бўлади.



Сайловлар бошланди

Исроилда парламент сайловлари бошланди.

Бизнинг вақт билан соат 10:00 бошланган сайловларда қарийб 5,3 миллион аҳоли овоз беришда иштирок этиши кутилмоқда. Сийosatчиларнинг фикрича, асосий кураш мамлакат собиқ бош вазири Беньямин Нетанягу бошқарувидаги “Ликуд” ва Исроил ташқи ишлар вазири Ципи Ливнининг “Кадима” партиялари ўртасида кечеди. Жамоатчилик ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, 3-ўринни “Бизнинг уй - Исроил” партияси эгаллаши мумкин.



Янги дастур

АҚШ фонд биржаларида индекс кўрсаткичлари пасайиши кутулмоқда.

“Dow Jones” индекс кўрсаткичи 4 фоиз, “Nasdaq” эса 5 фоизга тушган. Экспертларнинг сўзларига кўра, бунга мамлакат банк тизимидаги мураккаб вазият сабаб бўлган. ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, Европа фонд биржаларида ҳам асосий индекс кўрсаткичлари пасайиб бормоқда. “Ар Би Эс” банки акциялари қиймати 11 фоизга камайган. Буюк Британия ҳукумати банк-молия тизимидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида кредитларга қафолат бериш ва қиймати 50 миллиард фунт стерлингга тенг банк активларини сотиб олиш тўғрисида янги дастур қабул қилди.

Бир қарасанг қор...

Австралияда рўй бераётган кучли ёнғин оқибатларида 170 нафардан зиёд одам ҳалок бўлган.

4 минг нафар аҳоли бошпанасиз қолган. Хуқуқ-тартибот органлари ўрмонда содир бўлган ёнғин сабабларини ўрганишмоқда. ИТАР-ТАСС хабарларига кўра, Францияда ҳарорат қарийб бир ҳафтадан буён кўтарилаётгани йўқ.



Оқибатда автомагистралларда тирбандлик юзага келмоқда, аксарият аҳоли манзилга пайда боришга мажбур бўлмоқда. Буюк Британияда эса сўнгги 18 йилдаги энг совуқ об-ҳаво ҳукм сурмоқда. Аёзли ҳароратдан қурилган зарар миқдори қарийб 1 миллиард фунт стерлинг, дея тахмин қилинмоқда. Испаниянинг бир нечта шаҳарларида кўпжа автомагистраллар, таълим муассасалари ёпиб қўйилмоқда. Жойларда ҳаракатланиш хавфсизлиги борасида тарғибот ишлари кучайтирилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Хорижий мутахассисларнинг фикрича, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва янги технологияларни ўзлаштириш, бунинг ҳисобига энг кам чиқим билан сифатли рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш ишларини ўз вақтида амалга оширган мамлакатлар мавжуд инқироздан нисбатан камроқ зарар билан чиқади.

сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармонларида юртимизда реал сектор корхоналарини, банк тизимини ва кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган концептуал дастурий вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Фармонда иқтисодиётимиз реал секторига жаҳон молия кризисини оқибатлари нималар ҳисобига бартараф этилиши мумкинлиги ва бу борадаги ҳал қилувчи омиллар аниқ белгилаб берилган, ишлаб чиқаришни барқарор ўстириш ва ҳажмларини кенгайтириш, маҳсулот сотишининг янги бозорларини ўзлаштириш асослари кўрсатиб берилган. Ҳужжатда қайд этилганидек, бу борада энг аввало корхоналарда модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш лозим. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида, шиддат билан ривожланаётган даврда ҳар бир корхона ва ташкилотларнинг замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлиши, энг илгор технологияларнинг жалб этилиши ҳам ташқи, ҳам ички бозорларда барқарор ўсишни таъминлайди. Юқорида тилга олинган

монидан экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун 12 ой мuddатга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 70 фоиздан ошмайдиغان фоиз бўйича имтиёзли кредитлар бериш, 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра экспорт қилувчи корхоналарнинг кредиторлик қарзларини реструктуризация қилиш, экспорт қилувчи корхоналар томонидан қўшимча қиймат солиғи суммасини қайтариш мuddатини 20 кунгача қисқартириш, тайёр кийим-кечақлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармояли корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари мuddатини 2012 йилгача узайтириш, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган чет эл хомашёси ва материалларни божхона тўловларидан озод этиш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб вазифалар этиб белгиланган.

2008 йилда вужудга келган ва тобора кучайиб бораётган жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва юмшатиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва аҳоли фаровонлигига хавф тўғримаслик мақсадида ўтган давр мобайнида зарур чоралар кўрилди ва бу ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом этмоқда. Кўп узоққа бормайлик: мамлакатимизда 2007 йилда хорижий инвестициялар

РАНГИН ДУНЁ

Наргиза ХУДАЙБЕРГАНОВА


Тарихдан яхши маълумки, Рим архитектураси ўзининг маҳобатли иншоотлари билан бутун дунёга танилган. Ҳатто, хозирга қадар сакланиб қолган айрим биноларни кўриб, ҳақиқатан ҳам Римда муҳандислик санъати юқори даражада ривожланганлигига амин бўламиз. Барча қулайликларга эга шаҳар, ақл бовар қилмас даражадаги улкан иншоотлар, бежирим ва шинам кўприклар, йўлақлар, уй-жиҳозлари ва бир қанча илмий кашфиётлар римликларга тегишли.

Римликлар меъморлик санъати орқали инсоннинг буюклигини, унинг куч-қудратини акс эттиришга интилишган. Рим маданиятининг ривожланишида турли миллатлар, кўпроқ қадимги грекларнинг таъсири кучли бўлган. Улар қадимги юнон меъморчилиги усулларини қайта ишлаб, ўзига хос мактаб яратди.

Қадимги римликларнинг турмуши оддийлиги билан ҳам ажралиб турган. Римлик зодагонлар бир қаватли уйларда яшаган. Милодий I асрга келиб римликлар ҳаётида кескин ўзгаришлар рўй беради. Императорлар халқ меҳрини қозониш мақсадида “Терм” деб аталмиш ҳаммомлар қурдиришган. (Юнонча “терм” “иссиқ” дегани). Арзимас ҳақ эвазига оддий римликлар термларга тушиш имконига эга бўлган. Бу ерда сузиш ҳавзаси, бокс, кураш, қиличбузлик, копток ўйини билан шуғулланиш учун мўлжалланган спорт заллари, кутубхона ҳамда илм-

фан тўғрақлари бўлган. Империя худуди кенгайиб борган сари шаҳарлар ҳам кўпайди. Рим шаҳарлари пухта режа асосида барпо этилган. Шаҳарларда бир-бирини тақрорламайдиган ҳашаматли жамоат ва турар-жай бинолари, ибодатхоналар, савдо расталари, дорихоналар кўпжа қурилган. Бадавлат кишилар эса ўзларига уй эмас, қошона қуриб олишарди. Бундай қошоналарда ҳатто марказий иситиш тизими бўлган. Уй поллари тагидан ўтган махсус қувурлардан ўзига хос иситиш мосламаси сифатида фойдаланилган. Уйлар мозаика - шиша ёки тошчалардан ишланган шакллар билан безатилган. Шоҳона уй деворларини фрескалар - селгимаган сувоққа ишланган тасвирлар беэза турган. Ҳар бир шаҳар марказида бозор майдони, ибодатхона бўлиб, шаҳарга бир неча қаватли кўприкка ўхшаб кетувчи акведук орқали сув оқиб келган. Бундан ташқари, овқат пишириш ёки иситиш учун ўчоқлардан фойдаланилган.

Қадимги цивилизация



Рим бозорларидаги бозори қаҳқон “товар” қуллар эди. Ҳар бир шаҳарда қуллар савдога чиқариладиган алоҳида бозорлар бўлган. Римликлар кийим масаласига жиддий эътибор беришган. Кўп ҳолларда уларнинг либоси жамиятдаги ўрни ва мақоми билдириб турган. Масалан, ўғил болалар 14 ёшга тўлгунга қадар пушти ранг йўл-йўл “тогу”, вояга етган эса оппоқ “тогу” кия бошлашган. Ҳар бир хонадоннинг ўз худоси бўлган. Римликларда ҳам худди юнонлар каби кўп худодлик мавжуд эди. Рим империяси даврида қурилиш ишлари юқаск даражада тараққий этганди. Амфитеатр, цирк, театр, ибодатхона, сарой, триумфал арklar ҳамда кўп қаватли уйлар барпо этилган. Шаҳарни баланд деворлар қуриб турган. Рим меъморчилиги юнон меъморчилигидан ўзининг ранг-баранглиги ва мустаҳкамлиги билан фарқланган. Милодий I асрда Рим энг йирик ва аҳолиси кўп шаҳарлардан бири бўлган. Уша кезларда шаҳарга шундай таъриф берилган эди: “Барча йўллар Римга олиб боради”. Минглаб қуллар қалин ўрмонлар, пурикчи тоғу тошлар ва ботқоқлар орқали йўллар қуришган. Шу билан бирга Рим-

ликлар янги конструкция-бетондан фойдалана бошлашди. Бетон қурилиш ишларини энгиллатиши, тезлаштириши билан бирга мутахассислар ишини осонлаштиради. Негаки, бу ишни қулларнинг ўзи бемалол эглай оларди. Шунингдек, янги конструкцияни мустаҳкамлашда янги қоришма ҳам ўйлаб топилди. Сунъий монолит деворлар барпо этишда “рим бетони” номини олган тош ва кум қоришмаси, шунингдек, унга қўшилган вулкон куми - пуццолан бетон ғишларнинг мустаҳкам бўлишини таъминлаган.

Қурувчилар ғишдан иккита ингичка девор тиклаб ўртадаги бўшлиқни бетон билан тўлдиришган. Қотганидан кейин у тошдан ҳам мустаҳкам бўлиб қолган. Шу сабаб римликлар қуриган иншоотлар пишиқ ва мустаҳкам чиққан. Бу ютуқлар ўз ўрнида қурилиш соҳасида туб ўзгаришлар ясаган. Римликлар соз тупроқ, ғишт, ёғоч ўрнида металл ишлатиб, ёнғин хавфсизлигига ҳам риоя қилишган. Аммо айрим қурилиш ашёларининг, масалан “рим мальтаси” қоришмасининг таркиби ҳанузгача сирлигича қолмоқда. Бетон ихтиро қилингандан кейин шифтлар гўмбаз шаклида устунарлар қуриладиган бўлган. Римдаги Пантеон ибодатхонаси шу тахлитда қурилган (юнончадан “барча худодлар ибодатхонаси” маъносини англатади). Рим империясида яшаётган ҳар бир киши Пантеонга келиб ўзи эътиқод қилган худосига сиғиниш имконига эга бўлган: мисрликлар-Осирисга, юнонлар-Зевсга, римликлар - Юпитерга ибодат қилишган.

Римнинг энг катта Амфитеатри (50 минг томошабин сиққан) бўлмиш Колизей ҳали ҳам ўзининг улғуворлигини йўқотмаган. Бу ерда гладиаторлар беллашув ва ҳарбий ўйинлар уюштирилган. Ер остида сахнани сувга тўлдириш имконини берувчи мослама қурилган. Римликларнинг сеvimли томошаларидан бири гладиаторлар беллашуви айнан шу жойда бўларди. Аксарият гладиаторлар-қуллар ёки жиноятчилар орасидан танлаб олинган. Уларга махсус ёпиқ мактабларда таълим берилар, сўнгра бир-бирлари билан олишишга, томошабинлар қўлгини хушлашга мажбур қилинар эди. Гладиаторлар арслон, қоплон, кўзига қон қуйилган буқалар билан жанг ўтказишган. Ҳар бир гладиаторнинг ҳаёт-мамоти кўпроқ томошабиннинг хоҳиш-истагига боғлиқ эди. Ҳар бир жангдан сўнг томошабинлар энгилган гладиаторнинг яшаш ёки яшамаслигини ҳал қилишган. Агар томошабинларнинг қўлчилиги ўнг қўлининг бош бармоғини юқорига кўтарса энгилган гладиатор тирик қолган, аксинча паства қаратилса у томошабинларнинг кўз ўнгида қатл этилган. Шунингдек, римликлар буюк галабаларни нишонлаш учун мухташам - триумфал арklar ҳам барпо этишган. Дарҳақиқат, қадимги римликлар инсоннинг буюклиги, унинг куч-қудратини ўз меъморлик санъати орқали ифодалаб нечоғлик изланувчан ва уddaбурон халқ бўлганлигини тарихга муҳрлаб кетишган.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

ФУТБОЛ

Одилжон КАРИМОВ

Вақт ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Худди шундай футболда ҳам замона зайлига яраша янги атамалар, янги тактика ҳамда янги усуллар пайдо бўлмоқда. Масалан, 90 йиллардан сўнг футболда янги атамалар "таянч ярим ҳимоячи"си пайдо бўлди. Таянч ярим ҳимоячи ўзи ким, у майдоннинг қайси қисмида тўп суради? Таянч ярим ҳимоячи ҳимоячилар ҳамда ярим ҳимоячиларни бир-бирига боғлаб турувчи вазифани бажаради. Бундан келиб чиқадигани, мазкур чизикда ҳаракатланувчи футболчи керак бўлганда ҳимояга ҳам баб-баравар ёрдам беради.

Миллий терма жамоамиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1994 йил Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинларида бу вазифани Илҳом Шарипов бажарган эди. Футболчининг таянч ярим ҳимоядаги ишончли ўйини жамоамизнинг мазкур турнирдаги галабасига ўзига хос бонус бўлиб қўшилган эди. Кейинчалик Владимир Сальков бош мураббий этиб тайинланган, бу чизикни Владимир Маминовга топширганди. Маминов ҳам ўз вазифасини аъло даражада бажарди. Бирок, футболчининг термадаги фаолияти тугагач, бу вазифа "Пахтакор"да эндигина фаолият бошлаган Темур Копадзедга юклатилди. Шундан сўнг футболчи 2008 йилгача бу чизикда тўп суради. 2008 йилгача дейишимизга сабаб бу пайтга келиб "Пахтакор" таркибида яна бир ёш истеъдод этишиб чиққанди. Ўша вақтда чемпионат баҳсларида Темур аста-секин захира ўринидан жой олган, ўзини ўнг қанот ярим ҳимоясига синиб қўришга қарор қилди. Темур Копадзедек тажрибали футболчининг чизигини "тортиб" оладиган ўйинчи, албатта, Темурдан кучли бўлиши керак эди. Негаки, Копадзе ханузгача юртимиздаги энг куч-



www.pakhtakor.uz

ли ярим ҳимоячилардан бири саналади. Бирок, шундай азамат топилди. У Одил Аҳмедовдир. Наманган вилоятида таваллуд топган бу йигит 10 ёшида вилоятдаги футбол колледжга ўқишга қабул қилинган эди. Колледжда Одил 1987 йилда таваллуд топган болалар билан бирга Аббос Латифбоев кўл остида футбол сирларини эгаллай бошлади.

Одатий кунларнинг бирида Аҳмедов пойтахтдаги Республика Олимпия захиралари спорт коллежи (РОЗСК)да 1987 йилда таваллуд топган футболчилар ўртасида танлов эълон қилинганини эшитиб қолади. Белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажарган Одил РОЗСКга қабул қилинади. 2003 йил Ўзбекистон чемпионати-

нинг биринчи лигасида муваффақиятли тўп сурган "Локомотив" жамоаси навбатдаги мавсумда олий лигада иштирок этиши муносабати билан ўринбосарлар таркибига ёш футболчиларни тўплайди. Натихада 10 га яқин РОЗСК тарбияланувчилари орасидан Одил Аҳмедов, Баҳром Йўлдошев ва Мирғоли Раимовлар танлаб олинди. Ёш футболчилардаги истеъдодни кўрган "Локомотив" мураббийлари улар билан бир йиллик битимга имзо чекадилар. Шундай эсада, Одил 17 ёшида биринчи профессионал шартномасини имзолайди. Бирок, мавсум давомида асосий таркибда майдонга тушиш унга nasib этмайди.

Бу орада "Пахтакор"нинг ўша пайтдаги бош мураббийи Тач-

мурад Агамурадов коллежда тахсил олаётган футболчиларни кузатиб юрарди. Одатдаги учрашувларнинг бирида клуб президенти Самвел Бабаев Одилни жамоа синовидан ўтишга таклиф этади. Бир неча кун "Пахтакор" машғулотида иштирок этган Одил, жамоа мураббийларида илқ таассурот қолдиради. Жамоа раҳбарлари унга 5 йилга мўлжалланган янги битимни таклиф этишади. Футболчи "Пахтакор" билан 2009 йилнинг декабрь ойига қадар шартнома тўзади. Янги мавсум Одил учун тажриба мактабини ўтади, десак хато қилмаган бўламиз.

Кутилмаганда Одилни "Пахтакор"га етаклаган мутахассислардан бири Тачмурад Агамурадов жамоадаги фаолиятини яқунлашга қарор қилади. Жамоа янги мавсумни россиялик мутахассис Валерий Непомняший бошқаруви остида бошлайди. Аввалги мутахассислардан фарқли равишда Валерий Кузмиш ўринбосарлар таркибида тўп сураётган футболчиларга етарлича аҳамият бермайди. Натихада Одилнинг бош жамоа таркибидagi "дебют" чиқиши яна кечикади. 28 май кuni "Пахтакор" ўринбосарлари сафарда "Кизилкум"га қарши майдонга тушишганда Валерий Кузмиш ўринбосарлар учрашувини кузатишга қарор қилади. Учрашув давомида фаол ҳаракати билан ажралиб турган Одил мураббийда илқ таассурот уйғотади. Мураббий эртанги асосий тар-

киб учрашуви қайдномасига Одилни ҳам киритади. 1:0 ҳисобида "Пахтакор" фойдасига яқунланган учрашувда Одил 84-дақиқада жароҳатланган Элдор Магдиев ўрнига майдонга тушади.

Наманганда бўлиб ўтган учрашувда жамоа мавсумдаги энг ёрқин ўйинларидан бирини ўтказганди. "Пахтакор"чиларнинг 3:1 ҳисобидаги галабаси билан яқунланган баҳсда, Одил 90 дақиқа давомида майдонда ҳаракат қилди. Иккинчи давра арафасида Валерий Непомняший "Пахтакор"ни тарқ этади ва бўш қолган ўринни Равшан Хайдаров эгаллайди. Валерий Кузмиш даврида 5 учрашувда майдонга тушган Одил, Равшан Хайдаров кўл остида 8 ўйинда бош жамоа таркибида майдонга тушади. Миллий терма жамоамиз мураббийи Рауф Инилеев ҳам ёш футболчимизга жамоасидан жой бериб, уни синиб қўришга имкон беради. Рауф Талгатовичнинг назарига тушган Одил Ўзбекистон чемпионати ҳамда олимпиячилар таркибида майдонга тушади. 2007 йилнинг 13 октябрга келиб, Одил миллий терма жамоа таркибида Хитой Тайпейи терма жамоасига қарши дебют учрашувини ўтказди. Шундан сўнг, Аҳмедов миллий терма жамоа ва "Пахтакор" сафидаги ёрқин ўйинлари, майдонни кўра олиши, кучли зарбалари, ажойиб дриблинги билан жамоанинг ажралмас бўлагига айланади. 2008 йилги мавсумни кўтаринки руҳда ўтказган Одил бир неча марта ойнанг энг яхши футболчиси, деб топилди. Йил якунига келиб Ўзбекистоннинг ҳам 2008 йилги энг яхши футболчиси бўлиши мумкин эди. Бирок...

Одил ҳали ёш, унинг энг йирик ютуқлари олдинда. У Ўзбекистон миллий терма жамоасининг келажаги бўлган футболчилардан бири. Умид қиламизки, унинг таянч ярим ҳимоядаги ишончли ўйинлари терма жамоамизни жаҳон чемпионатида қатнашиш имконини беради.

ЎГИТ

Оқил ул ким, ибрат олғай доимо
Дўстлари бошига келганда бало.

Ер ҳалолдир — беҳиёнат ҳар маҳал
Экканингни қайтариб бергай тугал.

БИЛАСИЗМИ?

Ҳар йили инсон 700 граммга яқин тери ташлайди. 70 ёшга бориб, бу микдор 50 килограммни ташкил этади.

Кўзи охири инсонларнинг эшитиш қобилияти соғлом одамга қараганда анча ривожланган бўлади. Улар жуда паст овозларни ҳам илғай олишади. Шунингдек, чет тилларни ўзлаштириш учун муаммо эмас.

ТУРФА ОЛАМ

Сайёраларнинг сони нечта?

Шотландиялик астробиологлар галактикамиздаги сайёралар сонини аниқлаш имконини берувчи янги формулани кашф этишди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Сомон йўлига туташ 361 тадан 37964 тагача ўзга олам мавжуд экан. Мазкур тадқиқотлар BBC News портали томонидан ўтказилмоқда. Бирок, санаб ўтилган оламлар кўлигига қарамай, ҳозирча биргина Ерда ҳаёт борлиги маълум. Аини дамда галактикадаги сайёралар сони 60-йилларда яратилган Дрейк формуласи асосида ҳисобланмоқда. Қолаверса, Эдинбург университети олими Дункан Форган ўта замонавий илмий манбалардан фойдаланган ҳолда Сомон йўлига ўхшаш галактиканинг математик моделини ишлаб чиққан. Шундан сўнг, олимлар ана шу манбаларга таянган ҳолда галактикадаги бошқа оламларни кузата бошлашган. Бунинг натижаси ўлароқ, галактикада 31513 та сайёра борлиги маълум бўлган. Аммо, кейинги текширувлар чоғида бу рақам 37964 тага етган. Шунга қарамай, Форганнинг модели сайёралар сонини тўғри аниқлаб берган, дейиш қийин. Ҳозир олимлар айнан шу масала устида турли хил баҳс-мунозаралар боришмоқда.



Калифорнияда мамонт қолдиқлари топилди

Салкам 10 минг йиллик тарихга эга мамонтлардан эши улуғ мамонтнинг суяк қолдиқлари яқинда калифорниялик қурувчилар томонидан топиб олинди.

Янаям аниқроғи, мамонт суяклари Сан-Диего шаҳридаги Томас Жефферсон номи юридик мактаб майдонидан топилган. Экскаватор ҳайдовчиси котлован қазиб пайтда унга нимадир ҳалақат бераётганини пайқайди. Не кўз билан кўрсаки, у ерда бир ховуч суяк қолдиқлари ётган эди. Қурувчи дарҳол табиий ёдгорликлар музейи ходимларига бу ҳақда маълум қилади. Тадқиқотчиларнинг айтишига қараганда, филнинг қоziқ тишлари 2,4 метр бўлиб, қолдиқлар орасидан бош суяги ва бошқа суяклар ҳам бус-бутунлигича топилган. Табиийки, мутахассислар ҳам бундай ҳолдан хайратга тушибди. Уларнинг фикрича, ушбу мамонтнинг ер остида ётгани тахминан 500 минг йил бўлибди. Тағин ким билди, дейсиз. Бу гапда озгина мулоҳаза борлиги аниқ. Негаки, палеонтологлар мамонтларнинг бундан 10 минг йил аввал қирили бошлаганини бот-бот такрорлаб келишади.



Сумалаклардан халос бўлишнинг йўли

Россиялик олимлар уй томларида ҳосил бўладиган сумалаклардан халос бўлишнинг йўлини топишди, чоғи. Бирок, бу усул ҳозирча синов тажрибасидан ўтмоқда.

Маълумки, шу кунгача томлардаги тошқотган сумалаклар иситиш воситалари ёрдамида эритилган эди. Бу ишлар катта маблағ сарфлашни тақозо этиши табиий. Тўғри, муз парчаларини учи тўмтоқ бирор буюм билан уриб тушириш анча арзонга тушиши ҳам мумкин эди. Бирок, бундан аҳолининг ўзи зиён кўрмайдими? Ахир, сумалакларни уриб тушираман деб томни тешиб, шикаст етказиб қўйишни, яна қиш кунлари ким ҳам истарди. Хўш, унда нима қилиш керак? Олимларнинг тавсиясига кўра, энг аввало, том қирралари ва тарновлар атрофида совуқ сув оқиб келишига йўл қўймайлик лозим экан. Қолаверса, томларни қор уюмларидан вақтида тозалаш туриш ҳам сумалаклар ҳосил бўлишининг олдини олармиш. Аини дамда тадқиқотчилар Москва шаҳридаги турар-жойларда юқоридаги усулни татбиқ этишни режалаштиришяпти.

3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

ХОТИРА

Ижодий кеча

Мухтасархон КАРИМОВА

Бухоро вилояти илмий-методик маркази томонидан адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофидинов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан ижодий кеча ўтказилди. Тадбирда шоир Самандар Воҳидов, Бахшилло Ражабов, Сулаймон Шодиевлар олим ҳақидаги ўз хотиралари билан ўртоқлашдилар ва қатнашчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Халқимиз маънавиятининг юксалишига катта улуш қўшган бундай инсонлар ҳамиша ҳуқуқимиз этиборида эканлиги таъкидланди. Барчада катта таассурот қолдирган бу кечада айниқса "Лола" ашула ва рақс халқ дастаси хонандалари ижро этган дирабдо қўшиқлар кечага янада файз киритди.

ТАРАДДУД

Олимпия ўйинлари олдида

О.КАРИМОВ

XXIX ёзги Олимпия ўйинлари яқунланган, мамлакатимиз спортчилари 2012 йили Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги олимпиадага тайёргарликни бошлаб юборишди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз таъвоқдорчилири 4 йилдан сўнг бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларига жиддий тайёргарлик қўришмоқда. Куни кеча Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасида Халқаро Тасовуфо Федерациясининг 4 нафар мутахассиси иштирокида ўтказилган давра йиғилишида айнан шу масала ҳусусида гап борди. Аини дамда 4 ДАН қўра белбоғ соҳиблари Ким Сунг Мин, Сео Ёе Вон, Лее Кеун Ран, Лим Бён Ванлар терма жамоамизнинг 40 нафар аъзоси ва 25 нафардан зиёд мутахассислари билан биргаликда тасовуфо машғулотларини ўтказишмоқда. Чет эллик мутахассислар шу йилнинг 20 февралига юртимизда меҳмон бўлишади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Тоҳир ИБРАИМОВ,
Олий тоифали шифокор-
терапевт, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

Халқнинг фаровон турмуши, унумли меҳнати албатта унинг соғлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли ҳуқуқимиз тиббиёт соҳасига катта аҳамият бериб келмоқда. Соҳада белгиланган вазифаларни амалга оширишда шифокорларнинг хизмати катта, албатта.

Бугунги кунда юрак системаси касалликлари дунёнинг барча давлатларида кўп учраётганлиги боис ушбу хасталикларнинг олдини олиш долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Хўш бу борада мамлакатимизда қандай ишлар қилинмоқда? Бунга жавоб топиш учун маълумотларга назар солсак айни мuddао бўлади.

Республикамизда 9 та кардиологик диспансерлар мавжуд бўлиб, уларда катта тажрибага эга, олий тоифали терапевтлар хизмат қилишади. Уларнинг меҳнатлари, ўз соҳасини пухта билишлари асосида минг-минглар одамлар меҳнат фаолиятига қайтиб ишлайяптилар. Бундан ташқари республикамиздаги поликлиникаларда фаолият олиб бораётган шифокор-терапевтларни алоҳида тилга олиш мақсадга мувофиқдир. Улар ўз участкаларидаги барча беморларни яхши билиши, юракдан, самийи хизмат кўрсатишлари халқимизга яхши маълум.

Ҳозирги пайтда юрак-томирлар тизимининг шикастланишига ўзига хос эпидемия сифатида қаралмоқда. Бунга инфекция эмас, балки юрак-томирлар системасининг шикаст ёйишига ёрдам берадиган хавфли омиллар сабаб бўлмоқда.

Аҳолининг касалланиши ва ўлим ҳақидаги статистика маълумотлари юрак ишемия касаллигининг кенг тарқалганини кўрсатади. Масалан, АҚШда бу хасталикдан ҳар йили 600 миң киши оламдан ўтади. Россияда 2007 йилда тахминан 100 миң киши касаллик ту-

Миокард инфаркти

инсон ҳаётига қанчалик хавф солади?

файли ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам 60 ёшгача бўлган 20 фоизга яқин эркекларда юрак-кон томирлари касаллигининг ривожланиши хавфи мавжуд.

Миокард ишемиясига асосан атеросклероз касаллиги сабаб бўлади. Масалан, эпидемиологик текширувларда юрак ишемия касалликлари хавф соладиган 5 та омил кўрсатиб ўтилган. Булар қон босимининг кўтарилиши, чекиш, холестериннинг одам организмида кўпайиб кетиши, семизлик, камҳаракатлик ҳисобланади. Маълум бўлишича 40 ёшдан 59 ёшгача бўлган эркеклар текширилганда бу омиллар сабаби 75-85 фоизни ташкил этар экан. Семизлик, қон босимининг ортишига ва чекиш каби учта хавфли омил мавжуд бўлган одамлар ўртасида бошқа ўша ёшдаги кишиларга нисбатан ўлим ҳоллари 6-10 баробар кўп учрайди. Юрак-ишемия касаллиги айниқса томирлар деворида холестерин кўпайиб кетгани, диастолтик артериал босим 90 мм. симоб устунига тенг бўлган, чекадиган одамларга жуда катта хавф солади. Шу билан бирга терапевтик касалликлардан кенг тарқалган тури — қанди диабетдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотларига қараганда (2007й) дунё аҳолисининг 3-4 фоизи қанди диабетдан азоб чекади. 1965 йилда ер юзиде 30 миллионга яқин одам бу хасталик билан оғирган эди. 1972 йилга келиб бу рақам 70 миллионга етди ва 2000 йилдан кейин касаллар сони юз миллиондан ошиб кетди. Қанди диабет бора беморлар тахминан Ўзбекистонда юз миңдан кўп. Юрак ишемия касаллиги атеросклерознинг ривожланиши билан алоқадор бўлади. Қанди диабет бора беморларда юрак ишемиянинг асосан 2 тури кузатилади.

Юрак ишемия касаллигининг сурункали тури, бу вақти-вақти билан қон айланишининг ўткир етишмовчилик ва

миокард-инфарктнинг ривожланиши билан кечади.

Юрак ишемия касаллигининг доимий равишда аста-секин авж олиб борадиган сурункали турида, миокард майда ўчоқли ёки диффуз ҳолатда шикастланиди ва ишемик кардиосклерознинг пайдо бўлишига олиб келади.

Юрак ишемия касаллигининг илк босқичларида стенокардия хуружлари жисмоний ва эмоционал уч босқичда юз беради. Атеросклероз авж олиши натижасида тож томирлар ёриги торайиб борган сари миокард қон билан етарли даражада таъминлана олмаётган бўлади. Бунда стенокардия пайдо бўлади. Юрак ишемия касаллиги хавфи артериал қон босими ортиши билан ошиб боради. Касалликка олиб келадиган юқоридаги асосий омиллардан ташқари бошқа омиллари ёшга, наслга, одамнинг ўзига хос хусусиятларига алоқадор.

Шаҳар аҳолиси ўртасида қишлоқда истиқомат қиладиган одамларга нисбатан юрак ишемия касаллиги кўп кузатилади. Ҳозирги пайтда юрак ишемия касаллигига қарши кураш бўйича кенг қамровли дастур ишлаб чиқилган.

Бизнинг мамлакатимизда миокард инфаркти бор беморларни уч босқичда даволаш тизими ишлаб чиқилган, бу усул бутун дунёда тан олинди. Бу касалхона-санаторий-поликлиникадир. Ана шу даволаш усуллари туйфай беморлар 80 фоизининг соғлиқлари тикланмоқда. Комплекс реабилитация лозим топилган беморлар ўртасида миокард инфарктининг қайталанishi назорат қилинаётган гуруҳдаги беморларга нисбатан икки баравар каммайд. Хулоса қилиб айтиш керакки, терапевтик хизмат йилдан-йилга янги, юқори поғоналарга кўтарилмоқда. Бундай ютуқларга республикамиздаги 7368 нафар терапевт шифокор, 888 нафар кардиолог ўз меҳнатлари билан ҳисса қўшмоқдалар.

VATAN TUVO USI HAN NARSADAN USTUN
MILLY TIKLANISH
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ"
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ:
«МАТБУТОТ ТАРКАТУВЧИ»
АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ
Ахтам ТУСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолиб-
шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳам-
маджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ,
Гафуржон МУХАМЕДОВ, Улугбек МУХАММА-
ДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ,
Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОВЕВ

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарлики ўз бўйига олмайд.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-123, Адади — 5600

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Иснат ЖУДОЕВ
Навбатчи:
Зафарбек МУҲАММАД
«ШАРК» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили:
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топширилган вақти — 21.00.
Топширилди — 21.50.